Монеъ иккита нарсани ўртасини тўсиб қўядиган нарса эканини ва мана бу икки нарсани бир-бирига етишига йўл қўймаслигини ёки бир нарсани чиқишини ё киришини олдини олишини хаммамиз хам яхши биламиз. Либослар сизни баданингизга совуқ етишига тўсқинлик қилади, соябонлар сизни бошингизга ёмғир тушишига монеълик қилади, тўғонлар сувни оқиб кетишига йўл қўймайди, электр симларини устидаги қобиқ сизни ток уришидан сақлайди, мана шунга ўхшаш жуда кўп хилма-хил тўсиқларни биламиз.

Энди,агар мусулмон шахс куфрли,булғанган сўзни айтган ё амални қилган бўлса ва мана бундай жиноятни қилганлиги исбот қилинган бўлса ва такфирни шартлари хам мавжуд бўлса хам, шунга қарамасдан мана бу булғанган сўз ё амал билан уни иймонини

ўртасига монеълик қиладиган тўсиқ мавжуд бўлиши мумкин, мана шу монеъликлар шахсни иймонига кириб боришига хамда унга зарба уришига йўл қўймайди, мана бу монеъликлар шахснинг иймони билан куфрли,булғанган амали ё сўзини ўртасига туриб олади ва шахсни иймонига зарба урилишига йўл қўймайди ва шахсни иймонини мухофизат қилади.

Иймон ва куфрни орасидаги ва шахсни мусулмонлар жамиятидан кофирларни жамиятига қайтишига йўл қўймайдиган ва тўсиқ ижод қиладиган ва шахсни исломи нобуд бўлишига йўл қўймайдиган шаръий монеъликларни энг мухими қуйидагилардан иборатдир: жохиллик,таъвил, хато,унутиш, икрох,мажбурлик, иродасини қўлдан бой бериш (шахсни иродаси қулфланиб қолади,бу уни қаттиқ хурсандчилиги ёки қаттиқ асабийлашиши,қўрқуви,ғам – ғуссаси,хавотири натижасида бўлиши мумкин, шахс нима қилаётганини ва нима деяётганини билмайди). Баъзилар тақлидни хам такфирни монеъликларидан деб баён қилган бўлса, тақлид қилмасликни эса шартлардан бири деб хисоблаган. Ибни Таймия рохимахуллох айтадики: ахли қибладан бўлган тақлид қилувчи шахсни аслан мазхаби йўқдир, шу сабабли хам узрли бўлади,деб хисоблашади.

Умумий қилиб айтганда, такфирни шартлари бу такфирни монеъликларига мухолиф бўлган хар қандай нарса,масалан: илм,огох бўлиш,қасд қилиш, ихтиёр, таъвил қилмаслик, буларни бир қисмига олдин хам ишора қилиб ўтганмиз, агар такфирни монеъликлари хақида изох берилса, шартлар хам ўз-ўзидан равшан бўлади ,деб фикрлайман.

Аввало у хақида жуда кўп гапирилган такфирни монеъликларини бири бўлмиш узр ба жахлга тўхталамиз:

Инсон онасини қорнидан илм ва огохликлар билан бирга туғилмаслигини яхши биламиз, балки инсон оппоқ варақга ўхшайди, унда аста- секинлик билан нарсалар ёзиб борилиши керак,шунда инсон ўзини ички,моддий хаётини идора қилиш қудратига етадиган ўсиш ва тахассус даражасига чиқади. Демак, инсон илм билан дунёга келмайди,буни хаммамиз яхши биламиз. Хозирги кунда хам сизларни кўпингиз талабасизлар ,олий ўқув юртларида таълим олаяпгансизлар ёки турли-хил сохадаги

ишларда анча муддатдан буён шогирд бўлиб иш ўрганиб устоз даражасига етгансизлар, сўзлашув одобини ,ўтириш одобини, оилавий алоқалар одобини, сиёсий ва ижтимоъий, маданий одобларини ўрганишда хам аста-секинлик билан уларни турли-хил манбаълардан олиб таълим олгансизлар,қабул қилгансизлар.

Мана бу холатда, қоида бўйича инсон меърос бўлиб қолган ё онасидан унга ўтган нарсалардан бошқасини, мана бу дунёда ўзи қўлга киритиши лозим, аслида уни ўзи жохил,илмсиздур:

«تَشْكُرُونَ لَعَلَّكُمْ وَالأَفْئِدَةَ وَالأَبْصَارَ السَّمْعَ لَكُمُ وَجَعَلَ شَيْئاً تَعْلَمُونَ لاَ أُمَّهَاتِكُمْ بُطُونِ مِّن أَخْرَجَكُم وَاللّهُ» (نحل/٧٨)،

Аллох сизларни оналарингиз қорнидан бирон нарса билмаган холингизда чиқарди ва шукр қилиш учун сизларга қулоқ,кўзлар ва дилларни берди.

Бу ердаги "ла таъламуна шайъан" ни маъноси хеч нарсани билмаган холингиз,деганидир. Хеч нарсани билмайсизлар,бу худди бир кишининг фаришталар нар ё модда эканини биламан деган иддаосига ўхшайди; хўп, мана бу борада хеч ким хеч нарса билмайди ва хатто мана бундай иддаоларни қилаётган кофирларни жамияти хам билишмасди, улар фақат гумон ва шубхаларга эргашар эдилар:

«شَيْئاً الْحَقِّ مِنَ يُغْنِى لَا الظَّنَّ وَإِنَّ الظَّنَّ إِلَّا يَتَّبِعُونَ إِن عِلْمٍ مِنْ بِهِ لَهُم وَمَا» (نجم/28)،

Холбуки, улар учун бу хақда (яъни фаришталарнинг қайси жинсдан эканлиги хақида) бирон билим- хужжат йўқдир. Улар,фақат гумон-тахминга эргашурлар, холос. Аниқки, гумон хақиқатан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас!

Аллох таоло секуляристларни ва мушрикларни ақидалари хақида сухбат қилган пайтида хам мархамат қиладики, уларни аксарияти ақидаларида шак ва гумондан фойдаланишади ва уларнинг ақидадаги шак ва гумонлари хеч қачон ишончни ўрнини боса олмайди ва хеч қандай фойдаси хам йўқ:

«يَفْعَلُونَ بِمَا عَلَيمٌ اللهَ إِنَّ شَيْئاً الْحَقِّ مِنَ يُغْنِى لاَ الظَّنَّ اِنَّ ظَنّاً إِلاَّ أَكْثَرُهُمْ يَتَّبِعُ وَمَا» (يونس/36)،

Уларнинг кўплари жонли-жонсиз бутларга сиғинишларида фақат гумонга эргашадилар,холос. Гумон эса бирон нарсада хақиқатнинг ўрнини босолмайди. Албатта,аллох уларнинг қилаётган ишларини билгувчидир.

Ха,шак ва гумон инсонни хақ ва хақиқатдан бениёз қилиб қўймайди «شَيْئاً الْحَقِّ مِنَ يُغْنِى لاَ الظَّنَّ إِنَّ».

Хозирда хам улар шу ахволда. Секуляристларга бир қаранглар, улар хилқат хақида сухбат қилишган пайтида шак ва гумонга асосланишади, осмон ва ер хақида хам шак ва гумонга асосланишади, такомуллашиш хақида сухбат қилишса хам ёлғон айтишади у хам шак ва гумонга асосланган, улардаги хамма нарса шак ва гумонга асосланган,хатто уларни ўртасидаги шаккокларни ишончлари хам шак ва гумонга асослангандир, улар мусулмонларга қарши жангга хам шак ва гумон билан келадилар ва мана шу шаккокиятни мусулмонларни ўртасида бир арзиш сифатида ироя беришни ва мусулмонлар ўзларини иймонларига нисбатан ишончни қўлдан бой беришларини яхши кўришади.

Хўп, энди аллох таоло мана бу жахлни,нодонликни орадан кўтариш учун учта мушаххас абзорни бериб қўйган: эшитадиган қулоқни, кўрадиган кўзни, ақл юргизиб фахмлайдиган қалбни, мана бу уч абзорни инсонни ихтиёрига бергандан сўнг,

«وَالأَفْئِدَةَ وَالأَبْصَارَ السَّمْعَ لَكُمُ وَجَعَلَ»،

ислом шариати аввалдаёқ ақида масаласида шак ва гумонни,тақлидни жоиз деб билмайди.

Ақидалари хам шак ва гумонга асосланган ва шакга,гумонга эргашаётган секуляристларни ва мушрикларни аллох таоло масхара қилганини кўрганмиз; лекин аллох таоло инсонни ихтиёрига берган абзорни воситасида унга хар қандай бекорчи нарсаларни қабул қилишига рухсат бермайди,

«مسئولا عنه اولئک کل وَالْفُؤادَ وَالْبَصَرَ السَّمْعَ إِنَّ عِلْمٌ بِهِ لَکَ لَيسَ مَا تَقْفُ وَلَا»،

Шу сабабли хам ўзи берган уч нарсани зиммасига масъулиятларни таъйин қилиб қўйган ва ислом ақида масаласида шак,гумон ва тақлидни қабул қилмайди. Сенда илми мавжуд бўлмаган нарсани қабул қилишингни хам қабул қилмайди. Ақидада тақлид жоиз эмас.

Фалончи айтганлиги учун бир нарсани қилишингга тақлид дейилади.Хақни ўзига ишонганинг учун эмас,балки ўша фалончига бўлган эътимодинг сабабли мана бу ишни қиласан, чунки сен қилаётган иш хақ бўлиши хам мумкин бўлмаслиги хам мумкин. Асли хақиқат хам шудир. шунча йиллар ва шунча асрлар давомида мана шунча турли-хил махабларга тақлид қилишга ва тақлид қилинадиган маржаъларга эга бўлганмиз, бизлар 150 дан ортиқ имомга эга эдик, ахли суннатга мансуб фирқада мана бу имомларни нечтасини мазхаби сақланиб қолди. Демак, тақлид қилиш маржаълари ёки мазхабларга тақлид қилишни маъноси,уларнинг барчаси фалон фиқхий масала бўйича хақни устида дегани эмас, турли-хил хақлар бўлиши мумкин, аслида эса мана буларни хаммаси ягона хақдан ва ягона манбаъдан мана шунча турли-хил тафсирларни вужудга келтиришган, ва мана шунча мазхаблар, тақлид қилиш маржаълари вужудга келган.

Демак, тақлидий ишларда ишонч мавжуд эмас, кўпроқ гумон хоким бўлади, агар сизлар мана бу тақлидий ишларни хақ билан солиштирсангиз ва уни хақиқатда хақ экани ва асли хақдан фарқи йўқ экани хақида ишонч хосил қилсангиз, мана шундан сўнг сиз мана бу хақга эргаша оласизлар.

Аллох таоло кофирларни ақидалардаги гумон ва шакка эргашишади,деб мазаммат қилади, мана бу гумонлар,шаклар хеч қачон инсонни хақиқатга олиб бормайди. Шу сабабли хам ахли қиблани барчаси мана бу масала бўйича иттифоқли назар қилишганки, ақидани тақлид орқали қўлга киритиб бўлмайди ва ақида гумон ва шакка асосланмаслиги керак, балки ишончга ва шахсий харакатга, шахсий изланишларга асосланиши керак. Мана булар тақлидий эмас,балки ишонч билан бўлиши лозим.

Ақида инсонни хаётидаги асосий масалалардан бири бўлиб, инсон уни даражама-даража ва тўсиқларни енгиб ўтиш орқали ва турли-хил хатоларга дучор бўлиш билан жохиллик холатидан илм томонга кўтарилиб бориши лозим. Аллох таоло қуйидагича амр қилганда:

«اللَّهُ إِلَّا إِلَهَ لَا أَنَّهُ فَاعْلَمْ» (قتال/١٩)،

Шубхасиз мана бу бизларга жохиллик мавжуд эканини ва уни илм билан олиб ташлаш кераклигини кўрсатиб турибди, бўлиб хам бу қайси нарсада?

«اللَّهُ إِلَّا إِلَهَ لَا أَنَّهُ فَاعْلَمْ» ،«اللَّهُ إِلَّا إِلَهَ لَا»

тавхидда, дин асосларида, даражама-даража жахлдан илм томонга қараб болаликдан бошланадиган ва унда тақлид жоиз бўлмайдиган мана бу йўлда шахс хилма-хил хатоларга хатто қасддан қилинмаган гунохларга дучор бўлиши мумкин.

Жохиллик, хар қандай "фақирликда" холатида инсонни такомуллаши ва ўсиши йўлида монеъ бўлган ва жинояткорона рафторларни,ихтилофларни манбаъси бўлиб,инсонларни ижтимоъий хаётини булғанишига,ички хаётни захарланишига боис бўлади. Мана бундай фақирликка эга бўлган инсонни хаёти ичкаридан захарланиши хам табиийдир, уни ижтимоъий хаёти,ижтимоъий алоқаларини бошига хам шу бало келади. Инсонлар қандай рафтор қилишса худди шундай фикрлашади, уларни ботинлари хам шу холатда бўлади. Уларни амаллари ботинларидаги нарсани кўрсатиб туради.

Мана бу борада исломни бефарқ бўлмаслиги хам табиий, шунинг учун мана бу муаммога нисбатан қандай муносабатда бўлиш учун чоралар,дастурлар ироя берган. Шу сабабли хам, шахсларга илм,огохликлар берилган ва мана бу яхши ва мана бу ёмон,дейилган холатдагина солих амални талаб қилади. Мана буни сизларга яхши эканини айтдим, уни амалда бажаринглар ва мана буни ёмон эканлигини айтдим, уни қилманглар.

Ғайри мукаллаф бўлган бир инсонни нима яхши ва нима ёмон эканини тушунадиган даражага етказади, яна қайтадан ғайри мукаллаф янги насл вужудга келади ва улар хам даражама-даража кўринишда мустақил равишда ўзлари ақидаларини қўлга киритишлари лозим ва аста- секинлик билан жохилликдан илм сари харакат қилишлари керак, энг камида улар исломи хукмий ва исломи мужмални, исломи умумийни ўрганишади, лекин исломи хукмийни тахким қилиш йўлида хам турли- хил хатоларга дучор бўлишади, имтихондан ўтишади, шу холатда янада кўпроқ илмни қўлга киритишади ва аллох таоло мусулмонлардан талаб қилган

ишончга етиб боришади. Мана бу айланма харакат хамиша бир хилда давом этади ва тугамайди. Чунки инсонларни хаммаси бир хил ёшда эмас, хар дақиқада хар сонияда бир киши мукаллаф бўлади ва бир инсон туғилади. Сизлар таклиф ёшига етгунингизча, жохилликдан илм томонга харакатланадиган бу лойихани босиб ўтасизлар, буни кетидан фарзандларингиз сўнгра фарзандингизни болалари ва шу тарзда бу йўналиш қиёмат кунигача давом этади, шу сабабли даъват хам қиёмат кунигача давом этади.

Мана бу мусулмон жамиятининг тирик эканлигини белгисидир. Мана бу харакат ва кураш мусулмонларнинг ижтимоъий тартибини ўрни эмас,балки хаётбахш бўлган ва агарда тўхтаб қоладиган бўлса ижтимоъий айнишга,тартибсизликларга боис бўладиган сув хисобланади. Тирик жамият ўзини ақидаларини қўрқмасдан такомуллашиш сари олиб боради , агар шахс мана бу йўлда хатоларга дучор бўлса жамият уни химоя қилади,яъни уни химоя қилиб йўл кўрсатади ва хатоларини йўқотилади; бу ақида масалаларида ва бошқа ахкомлар бўйича таълим олиш,ўрганиш, ишончни касб қилиш лойихасидаги хавфсизликни таъмин қилинишидир.

Агар мана бундай хавфсизликни таъминлайдиган исломий хукумат мавжуд бўладиган бўлса, шахс хеч нарсадан қўрқмасдан йўлида давом этади ва агарда хатоларга дучор бўладиган бўлса дилсўзлик билан унга ёрдам берадиганлар,уни хақорат қилмайдиганлар,йўлни кейинги қисмида унга ёрдам берадиганлар, уни хатоларини кўрсатиш билан бирга уни рухлантирадиганлар мавжудлиги учун хотиржам бўлади, шу тарзда жамият кундан-кунга ривожланади ва кундан- кунга собит қадам мўъмин инсонлар жамиятда вужудга келишади.

Аммо агар мана бундай фазо мухайё бўлмаса ва мусулмонлар қилган хатолари сабабли такфир қилинишса (яъни ўлдириб юборилса) бу пайтда шахс қўрқувга тушади ва илгари харакат қилишга журъат хам қилмайди, чунки яна хатога дучор бўлишдан сўнгра эса уни ўлдиришларидан қўрқади. Шунинг учун хам ислом ва ақида, тахқиқ қилиш,изланиш,илм холатидан меърос бўлиб қоладиган,тақлидий кўринишга ўтади ва жохиллик хам харгиз

йўқолмайди,нима учун? Чунки орада ишонч эмас, гумон,шак хоким бўлиб олган:

«شَيْئاً الْحَقِّ مِنَ يُغْنِى لاَ الظَّنَّ إِنَّ».

мана бу нарса асрлардан буён мусулмонларни диёрларига хоким бўлиб олганига гувох бўлиб турибмиз. Қани сизлар мархамат қилиб айтингларчи, мана бу вазиятдан ким рози бўлади ва бу вазиятни ким химоя қилади? Мана бу вазиятни давом этиши кимларга фойда келтиради?

Хозирда мана бу вазиятни сақлаб қолиш учун икки тоифа қўлдан келганча харакат қилади,улар мана бу холатни ўзлари истаган ё истамаган тарзда шу шаклда ушлаб туришни хохлашади. Биринчи даста тоғутлар,тоғутларни хукуматлари, фосид уламолар, мунофиқлар ва секулярзадалар тўдаси бўлиб, мана бундай системаларда хатарли микробларга ўхшаб ўзларини хаётларини давом эттиришади, хар қандай курашни ва тавхид илмини,уйғонишни ўзларини зарарига деб билишади ва турли-хил рухий ,таблиғий жангларни йўлга қўйиш ва хилма-хил шубхаларни вужудга келтириш, турли-туман тахдидларни йўлга қўйиш орқали мана бу вазиятни, мана бу жахолатни сақлаб қолишга харакат қилишади, бўлиб хам қандай тахдидлар қилишади: зиндонга ташлаш, қийноқлар, сургунга жўнатиш ва хатто ўлдириб юбориш.

Иккинчи даста ўзлари билмаган холатда мана бу мавжуд вазиятни химоя қиладиган мусулмонлардир. Мана бу дастадаги мусулмонлар мавжуд вазиятни ўзгартириш ва мусулмонларни уйғотиш учун харакат қилаётган кишилар бўлиб, аммо улар уйғотишни шаръий йўлларини,равишини билмаганликлари боис, жохил ахли қиблага нисбатан ноўрин қўполликларни кўрсатишади ва мусулмонларни устида қўрқув хоким бўладиган фазонинг хукмрон бўлишига сабаб бўлишади, хеч ким мана буларни ўткир тиллари сабабли олдинга қадам ташлай олмайди. Чунки мана бу дўстларимиз ўша лахзада такфир қилиб юборишади ва мана бу жохил мусулмонларни хатто уларни ўлиб кетган аждодларини устида хам ўлим хукмини содир қилишади.

Хақиқатда эса хар иккала гурухни берган самараси,натижаси яъни тоғутлар тўдаси билан аслида тоғутларга қарши бўлган жохилларни самараси мана бу борада мусумонлар учун бир хил. Қўрқув,вахшат ижод қилиш ва мусулмонларни илгари харакат қилишлари сари уйғонишларини олдини олиш, шундай бир содда равиш билан ўзлари билмаган холда, аммо тоғутлар билан бир хил кўринишда, хар икки томон ўзини равиши билан мусулмонларни жохилликдан илм сари харакатланишларига тўсиқ бўлишади ва мусулмонлар ўзларини ақидаларини ишонч билан қўлга киритишларига рухсат беришмайди ва ақида бўйича уларни шак,гумон,тақлид томонга тортиб кетишади.

Шубхасиз баъзи мусулмонлар мунофиқларни касалликларига мубтало бўлишади ва ислом мана шу булғанган мусулмонлар сабабли мунофиқларни мусулмонларни жумласидан деб хисоблайди, шу равиш сабабли баъзи мусулмонлар баъзи далилларга кўра кофирларга хос бўлган сўзларни айтишлари ёки амалларни қилишлари мумкин, бу кўринишда нима қилиши керак?

Хар бир мусулмон агар таклиф ёшига етган бўлса, унга таклиф вожиб бўлади,у даражама-даража суратда тахқиқ қилиб изланган холда ақидасини таълим олиши ва олдинга харакат қилиши вожиб бўлади, жохилликдан илм сари ёки жахолатдан ислом сари қилинган мана бу харакат тақлидий,меърос олиш кўринишида бўла олмайди. Чунки, агар меърос бўлиб қолганда эди уни харакат қилишига хам хожат бўлмаган бўлар эди, шахс қадди,терисини ранги ва бошқа нажодга оид белгиларга ўхшаб уни онасини қорнидан ўзи билан бирга бу дунёга олиб келарди. Аммо хаммамиз бундай бўлмаслигини яхши биламиз. Демак, жуда кўп уламоларни наздида қайтиш ва иртидод масаласи олдинга харакат қилган ва изланган холда ислом қабул қилган, меърос қилиб олмаган кишиларга кўндаланг қилинади. Бу ерда хукм чиқариш ўзига хос мураккабликларга эга бўлиб, хеч қайси иш мана бу даражада мураккаб ва тақдирни хал қилувчи бўла олмайди.

Чунки шуни яхши биламизки, жуда кўп мусулмонлар исломларини меърос олган,тақлидий кўринишда қўлга киритишган, жуда кўп вақтларда шахс аслида исломда бўлмаган нарсаларни ислом номи билан қабул қилган ёки исломни юзлаб хурофотларга қўшиб қабул қилган, энди мана бу касалларни,фақир кишиларга ўлим хукмини

содир қилиб ўлдириб юбориш керакми? Уларни такфир қилиб ташлаш керакми? Ёки бўлмасам уларни дармон қилиш учун касалхоналар ва фақирликларини, бечораликларини йўқотиш учун йўллар мавжудми?

Бирга илгари харакат қилишимизга ва биргалашиб жавобни қўлга киритишимизга рухсат берасизлар:

Буни биламизки, охирги элчи юборилгандан ва қуръон нозил бўлгандан буён, бизлар мусулмон бўлмаган кишиларни кофирларни жамиятидан деб хисоблаймиз, энди улар ахли китобни кофири ёки шибхи ахли китобни кофири ёки кофир мушрик бўлиши мумкин. Росулуллох саллаллоху алайхи васалламни келишлари ва қуръонни нозил бўлиши улар учун хужжат қоим бўлганини ифодалайди ва такфир қилиш шартларини,такфирни монеъликларини, бошқа мархалаларни риоя қилмасдан туриб уларни кофирларни ўша дастасидан деб хисоблай оламиз, уларни кофир деб биламиз ва кофирлар жамияти деймиз. Қуръонни айтишича, кофирлар жохилликка эга бўлган жохилдирлар, аммо уларни жохилликлари уларга кофир дея олмаслигимизга боис бўлмайди.

Уларни кофир калимаси билан аташда уламолари билан уларга эргашганларни ўртасида фарқ қўйилмайди. Уларни хаммаси кофирларни мажмуъаси хисобланиб уларни ўзлари хам шу орқали ўзларини танишади, истелох бўйича куфр жамияти ё кофирлар жамияти,деймиз. Масалан улардан бири мен насронийман,дейди ёки бошқа бири мен яхудийман,дейди ё бошқа бири мен секуляристман дейди; мана бу холатда биз уларни олимини хам, ёки уларга эргашганларни хам, худди ўзлари ўзларини таништирганларидек кофирлар дастаси деб хисоблаймиз,

«كَافِرِينَ كَانُوا أَنَّهُمْ أَنْفُسِهِمْ عَلَى شَهِدُوا»

Бизлар хам уларни ўзларини гувохликларига биноан, уларни хеч қайси бирига узр келтирмаймиз. Чунки биз аслида уларни қайси бири аслий кофир ва қайси бири эргашган кимса ё уларни тўдасидан эканини ёки уларни қайси бири аслан иймон келтирмаган ёки уларни қайси бири иймон келтириши мумкин эканини билмаймиз. Демак, уларни гувохликларига биноан

«كَافِرِينَ كَانُوا عَلَىأَنْفُسِهِمْأَنَّهُمْ شَهِدُوا»

биз хам уларни хеч қайси бирига узр келтирмаймиз.

Энди,нима учун кофирларга узр келтирилмайди ва ахли фитратни дунё ва қиёматдаги жойгохи қандай бўлиши хақида "узр ба жахл"да батафсил сухбатлашганмиз, буни мутолаа қилишни хохлаган дўстларимиз мана бу китобга мурожаъат қилишлари мумкин.

Аммо "мужмал" ва "умумий" суратда исломни қабул қилган ва ислом доирасига кирган,лекин исломга алоқадор бўлган хар қандай ишларда баъзи далилларга кўра хатоларга дучор бўлаётган киши, ўзига хос имтиёзларга эга бўлади, уни жиноятини исбот қилгандан сўнг ,учинчи ва тўртинчи мархалада такфирни шартларини ва такфирни монеъликларини мана бу шахсни устида риоя қилиниши керак, росулуллох салллалоху алайхи васалламни равишлари бўйича уни устида иқомайи хужжат қилиниши лозим, яъни сахих далиллар унга очиқ- ойдин,мубхам бўлмаган холда унга етказилиши керак. Бу ердаги мухим нарса, мана бу далил ва хужжатлар шахс тушунадиган тилда етказилиши лозим, шахс сизни нима деяётганингизни фахмлаши керак. Энди мана бу далил ва хужжатларни қачон етказилиши хам мухим, бир шахс хато қилгандан сўнг, уни хатосини росулуллох саллаллоху алайхи васаллам тарафидан ёки исломий хукуматга тегишли ташкилотлар томонидан тўғриланиши мумкин, ёки исломий хукуматни ва унга тегишли ташкилотларни ва раббоний уламоларни мавжуд бўлмаганлиги боис, мана бу далил унга кеч етиб бориши хам мумкин ёки хатто мана бу мусулмонлар шундай хатолар билан бирга ўлиб кетишлари хам мумкин. Уни қилган хатолари нима бўлишидан қатъий назар, мана бу шахс барибир мусулмон хисобланади.

Диққат қилинг дўстлар, росулуллох саллаллоху алайхи васалламни асридаги мусулмонлар хам диндаги умумий нарсаларни олишлари ва умумий диндаги нарсаларни баробарида таслим бўлишларига қарамасдан, мана бу борада очиқ хатоларга дучор бўлишарди, росулуллох саллаллоху алайхи васаллам томонидан ё исломий хукумат ва унга хоким шўро тарафидан ислох бўлишарди. Демак, шахсга ошкор,маълум,комилан равшан

бўлмаган холатда ақидадаги хатоларга дучор бўлиши , қочиб қутулиб бўлмайдиган ишдир. Яъни хар қандай масалада мусулмонлар хатога,инхирофларга дучор бўлишлари мумкин, махсусан ақида масаласида шахс тақлид қила олмайди ва шахсни ўзи тахқиқ қилиб изланиши ва тахқиқ қилган суратда қўлга киритиши лозим.

Агар сиз росулуллох саллаллоху алайхи васаллам хар бир мусулмон бўлган кишини ўтиргизиб олиб ақидани ипидан игнасигача таълим берардилар,деб тасаввур қилган бўлсангиз хато қиласиз. Балки сахобалар аста-секинлик билан огох бўлиб боришарди, хатто бу нарсалар қайси заминада бўлишини хам фарқи йўқ эди.

Мана бу суратда жохилликка узр келтириш мусулмон учун барча ибодий ишларда ақидавий масалаларда,тавхидга,ширкка ёки фиқхий ахкомларга оид масалаларда хам кераклидир, мусулмон учун жохиллик ва хато хисобланади, унда катта ва кичикни ўртасида фарқлаб ўтирилмайди.

Юз марталаб такрорланиши ва маданият сифатида танилиши керак бўлган бошқа бир нуқта шуки, шак ва шубха билан бир кишини кофир деб бўлмайди ва хадни хам ижро қилинмайди, ишонч билан мусулмон бўлганлиги собит бўлган кишини,яъни сен мана бу шахсни мусулмон эканига иймонинг комил; мана бу холатда шак,шубха,эхтимол билан мусулмон номини ундан тортиб ола олмайсан ва уни кофирларга қўшишга хам хаққинг йўқ.

«يَخْرُج لَمْ بِيَقِينٍ الْإِسْلَام عَقْد لَهُ ثَبَتَ مَنْ» يا «بيقين إلا □□□□ يُخرَج فلا بيَقين الإسلام في دخلَ مَن» بِيَقِينٍ إِلَّا مِنْهُ».

Яъни фақат далил ва ишонч билан шахсни исломдан чиқара оласан, ишонч бу ерда жуда мухим нарса. Шунингдек кофирни мусулмон бўлиши хам далил ва ишонч билан исбот бўлади.

Мусулмонни ислом доирасидан чиқариб юбориш учун хам аввало далил ва ишончга эга бўлишинг керак,сўнгра мана шу ишонч билан уни чиқариб юборасан, кофир кишини хам ислом доирасига киргазиш учун хам далил ва ишончга эга бўлишинг лозим. Мана бу жуда кўп дўстларимизни рафторларида кўриладиган хатолар

жумласидан бўлади, улар аввал кишини кофирсан дейишади,сўнгра уни кофир бўлагани борасида далил қидиришади.

Кофир бўлган шахсга қараб бу мусулмон дейишинг,сўнгра эса уни мусулмон эканига далил қидиришинг хам хато бўлади, ёки мусулмон шахсга хам аввал кофир дейсанда,сўнгра уни кофирлигига далил қидирасан. Бу хам хато. Мусулмонни такфир қилиш уни ўлдириш демакдир.

«إِذَا قَالَ الرَّجُلُ لِأَخِيهِ يَا كَافِرُ فهو كقتله».

Аввал шак ва шубха,эхтимол билан мусулмонни ўлдирсангда,ундан сўнг мен ўлдирган шахс жиноятчи бўлганми ё йўқми,десанг,бу ақлга тўғри келадими? У ўлимга мустахақ бўлганми ё йўқми? Мана бу инсонга муносиб иш эмас.

Аслида муносиб бўлган иш шуки, аввал далил ва хужжатлар текшириб чиқилади, сўнгра жиноятни ишонч билан исбот қилингач хукмни исбот қилинади ва ундан сўнг хукм содир қилинади. Охирги мархалада хукмни ижро қилишга алоқадор каналлар орқали хукмни ижро қилишга харакат қилинади.

Шахс китоб ва суннат,ижмоъ асосида куфрга дучор бўлгандан сўнг, мана бу шахсни иймони шак ва гумон билан ва шахсларни хаво ва хаваси асосида ботил бўла олмайди, хеч ким мусулмон шахсни устида мажбурлаб кофир лафзини бўйнига қўя олмайди, чунки мана бу шахсни хаққида жиноятни исбот қилиш мархалалари,шартлар ва такфир монеъликлари ижро қилинмаган.

-Худди куфрда,ширкда,бидъатда ўсган ва мана бу мусибатлардан эндигина қутулган ва хозирда жохилликдан илм сари сафарда юришибди, аммо хануз Абу Зар розиаллоху анхуга ёки бугунги кундаги мусулмонзодаларга ўхшаш уларда жохилият қолдиқлари қолган ва бу қолдиқлар аста-секинлик билан пок бўлиши керак.

-Ёки худди сахроларда,даштда,чекка тоғли,ўтиш қийин бўлган минтақаларда пок ақидалардан узоқда ўсган кишига ўхшайди. Унга сахих ақида етиб бормаган ва бундай киши булғанган ақидага кўра ўсиб-улғайган.

-Ёки росулуллох саллаллоху алайхи васалламни сўзларини эшитади, аммо бу у кишининг сўзлари эканига ишонмаётган кишига ўхшайди, далилларга кўра ва ривоят қилувчига ишонмаганлиги боис уни инкор қилади.

-Ёки бундан бошқа олдинги дарсларимизда ишора қилинган мавжуд ўринларга кўра бўлиши мумкин.

Росулуллох саллаллоху алайхи васалламни асхоблари хам эндигина ширкдан,куфрдан қутулган аввалги насл хисобланишган, улар жуда кўп нарсалар хақида шак қилишарди ва шакларини асосий манбаъ сифатида росулуллох саллаллоху алайхи васалламдан сўраш орқали,мушкилотларини, жохилликларини бартараф қилишарди, ёки бўлмасам очиқ ақидавий хатоларга,амалларга дучор бўлишар ва яна росулуллох саллаллоху алайхи васалламга мурожаъат қилиш билан иқомайи хужжат қилиниб ислох бўлишарди.

Иқомайи хужжат қилинишдан мақсад, қуръондаги ва суннатдаги, ижмоъдаги шаръий хужжатлар росулуллох саллаллоху алайхи васалламни шаръий равишлари билан мана бу шароитдаги шахсга етказиларди. Яъни истидлол ва равшан хужжатлар билан нотаниш ишларни росулуллох саллаллоху алайхи васалламни равишлари билан шахсга кўрсатишимиз,танитишимиз керак бўлади, уни шундай холатда танитишимиз лозимки, бу шахс ўзини яқинларини,оиласини бегоналардан қандай ажратиб олса, мана бу хақни хам шундай ажратиб ташхис беришга қодир бўлиши лозим:

«أَبْنَاءَهُمْ يَعْرِفُونَ كَمَا يَعْرِفُونَهُ»،

яъни шундай равишда шаръий хукмни ботилдан ажратиб ташхис бера олиши керак.

Мана бу огох қилиш йўлида бизлар хам хозирда барча мусулмонлар учун бир хилда таълим системасига эга эмасмиз, шу сабабли хам бир шахс мана бу даражадаги билимга эга бўлиши,аммо бошқаси эга бўлмаслиги мумкин. Ёки бир маконда мана бу илмлар раббоний уламоларни мавжудлиги ва ўзига хос етказиш шароитлари сабабли одамларга етиб борган,аммо бошқа бир жойда уламойи

суъ борлиги ва ёмон каналлар сабабли раббоний уламоларни хеч қайси бирини сўзи етмаган бўлиши мумкин.

Уларни ўтган аждодларига етказилганлиги сабабли мана бу етказилган нарсалар уларга хам етади, деган нарса далил бўла олмайди. Йўқ, бундай бўлмайди, аслан бўлиши мумкин эмас, агар шундай бўлганида даъват,таблиғ иши тўхтаб қолган бўлар ва дин меърос қилиб олинадиган нарсага айланарди, фақих,мужтахид, ахли фан сўзларини ўзини маъносини йўқотарди.

Аниқ ва равшан кўриниб турганидек, хар бир даврда шаръий билимларни касб қиладиган ва хижрат қиладиган ,хамда ўзини миллатига мана бу билимларни етказадиган кишилар пайдо бўлади:

«وَما كانَ الْمُؤْمِنُونَ لِيَنْفِرُوا كَافَّةً فَلَوْلا نَفَرَ مِنْ كُلِّ فِرْقَةٍ مِنْهُمْ طائِفَةٌ لِيَتَفَقَّهُوا فِي الدِّينِ وَلِيُنْذِرُوا قَوْمَهُمْ إِذا رَجَعُوا إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ» (توبه/122)،

Барча мўъминлар (жангга) чиқишлари лойиқ эмас. Ахир улардан хар бир гурухдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Қолганлари эса мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдиларига қайтган вақтларида, у қавмлар аллохнинг азобидан сақланишлари учун уларни огохлантиргани (қолмайдиларми)?!

Мана бу даъватчи тоифа диндаги фиқхни ўрганиб сўнгра уни қавмлари тушунадиган тилда уларга етказишлари лозим, бу ерда мана бу нарса жуда мухим, ўша миллат тушунадиган тилда етказилиши керак,

«لَهُمْ لِيُبَيِّنَ قَوْمِهِ بِلِسَانِ»

ўша миллатни маданиятига тўғри келадиган қилиб уларга очиқ,равшан баён қилиб бериши керак, бошқача истелох билан айтганда эса динни мана бу миллатга "янгидан" ироя бериши лозим,шу тарзда миллатни жохиллиги бартараф бўлади. Мана бу айни хақиқатдир.

Хўп,энди бартараф қилиниши лозим бўлган мана бу жохиллик нима?-деб савол берилса хам бўлади, агар бартараф қилинмаса

такфирни монеъликларини бирига ўхшаб амал қиладими? Фан ахли мусулмонлардаги жохилликни икки қисмга тақсим қилишган:

-Мўътабар жохиллик: яъни мусулмон шахс бир ишни қилишдан олдин "билимга,огохликка" эга бўлмаган. Диққат қилинглар, яъни мусулмон шахс мана бу ишни қилишдан олдин "илмга,огохликка" эга бўлмаган,мана бу уни мўътабар жохиллиги хисобланади.

-Ғайри мўътабар жохиллик: яъни мусулмон шахс "илм ва огохликка" эришгандан сўнг мана бу ишни қилади. У қилган иш, "илм ва огохликдан" сўнг содир қилинган, шунинг учун хам мана бу жохиллик ғайри мўътабардир, уни жохиллигини қабул қила олмаймиз.

Энди, шариатни баъзи ахкомлари борки хамма учун очиқ-ойдиндир, баъзи бир холатлар бундан мустасно,хозирча шуни айта оламизки, мусулмон бўлганликлари мужмал суратда собит бўлган кишиларни барчаси мана бу ахкомлардан огох бўлмасликлари мумкин эмас. Масалан намоз вожиб эканини ё рўзани вожиб эканини, ё хажни,закотни вожиб эканини хамма билади. Чунки мана бу ўринлар хамма учун равшан ва ошкор, агар бир кишини намоз ўқимаётганини кўрсанг ва унга қараб нима учун намоз ўқимаяпсан?-десанг, мана бу киши уни жавобига мен намозни вожиб эканини билмасдим,деса. Биз мана бу бахонани ундан қабул қилмаймиз ва мана бу шахсни жохиллиги мўътабар эмас.

Аммо олдин хам айтиб ўтганимиздек, бундан бошқа ўринлар хам бор бўлиб, бир жамиятдаги одамлар мана булар хақида илмга,огохликка эга бўлишлари ва мана бу ўринлар борасидаги хукмлар хаммага ошкор ва равшан бўлиши мумкин, аммо бошқа жамиятлар учун ошкор ва равшан бўлмаслиги мумкин, ёки хатто бир жамиятдаги хос минтақадаги кишиларни бир қисми мана бу хукмлардан огох бўлади, аммо бошқа бир қисми эса илм ва огохликка эга бўлмайди ва мана бу хукмлар уларга ошкор ва равшан эмас. Мана бу холатдаги меъёр шуки, мана бу хақ ва хукм бошқаларга эмас, балки шахсни ўзи учун ошкор ва равшан бўлиши лозим.

Бизларни хаммамиз хам шундай холатга тушганмиз, албатта сизни ўзингиз хам бу холатга тушган бўлсангиз керак, яъни бир

киши келиб сизнинг хабарингиз бўлмаган бир хабарни сизга етказади, сўнгра эса сизга қараб таъажжуб билан, бундан хаммани хабари бор қандай қилиб сени хабаринг йўқ,дейди? Шунга ўхшаш холатга дуч келмаганмисизлар? Албатта дуч келгансиз. Бўлиб хам мана бу шахсга бу маълумот тўғри каналлар орқали етиб келмаган бўлиши ва нотўғри каналлардан бу маълумотни қўлга киритган бўлиши мумкин. Бунга намуна, дўстларимиздан бири сухбатлашиб ўтирган пайтимизда, курдларнинг хозирги мусайламайи каззоби бўлмиш ужалонни ишчилар хизбидаги муртадлар яъни курдистонни сагмарглари билан мусулмонларни ўртасидаги жанглар хақидаги бир мавзу яъни жангни ким бошлаганлиги ўртага ташланди? Шу пайтгача дўстимиз мусулмонлар жангни бошлашган деган фикрда эди,аслида эса барча хужжатлар,далилларни кўрсатишича эса жангни бошловчилари муртад секуляристларни ўзи бўлишган,улар қуйидаги қоидага асосан иш олиб боришган эди:

«استطاعوا إن دينكم عن يردكم حتى يقاتلونكم يزالون ولا»

Мана бу кимсалар фаолият қилаётган минтақаларни хаммасида ироқда,сурияда мусулмонларни устига мана бу жангни мажбурлаб юкланган. Бизни дўстимиз мана бу хақиқатдан бехабар экан. Чунки кеча-ю кундуз муртадлар ва мунофиқларни қўлидаги ахборот воситалари ёлғонни буларни миясига қўйган эди, шунинг учун хам бу киши бугунги кундаги хақиқатни билмасди. Мана бу хақиқатда эса мусулмонни бекорга тўкилган қони ва мана бу қон хақиқат йўлида тўкилдими ё йўқми?- деган мавзулар хақида сухбат қилинарди. Умуман олганда бир мусулмонни қони хақида гап очилган эди. Бу ерда бир мусулмонни обрўси,дини хақида гап кетаётган эди, аммо мана бу дўстимизни хабари йўқ экан.

Демак, бу ердаги меъёр шуки, мана бу масала ва хукм ўтиб кетган аждодларга ёки бошқа минтақалардаги одамларга ё мана бу жамиятда яшайдиган бошқа одамларга эмас,балки бу шахсни ўзи учун мушаххас ва ошкор бўлиши керак.

Байхақий ва Абдурраззоқ рохимахуллохни келтиришича: Умар ибни Хаттоб розиаллоху анху шомдаги бир кишининг зинони харом қилингани хақидаги хукмни билмаслиги хақида қилаётган иддаосини қабул қилади, бу киши зино қилган бўлиб унга нисбатан

ўзининг жохил эканини иддао қиларди. Умар ибни Хаттоб уни жохиллиги борасидаги узрини қабул қилади. Мана шунга ўхшаш у кишидан ва Усмондан ривоят қилинишича, араб бўлмаган ва зино гунохини қилиб қўйган ва зинони харом қилингани хақидаги хукмни билмаслигини иддао қилган бир жориянинг узрини хам қабул қилинган эди.

Субханаллох, агар сахобаларни асрида мана шунча сабиқунал аввалун мавжуд эканига ва исломий хукуматни қудратини борлигига қарамасдан мана бундай ошкор хукмлар хақида хам жохил бўлишган бўлса, ва уларни жохилликлари борасидаги узрлари хам қабул қилинган бўлса, исломий хукумат мавжуд бўлмаганлиги сабабли мана шунча жохилликлар ривожланган ва асрлардан буён мунофиқлар жамиятни ўзларига жавлонгох қилиб олган мана бу даврда қанча миқдорда жохиллик вужудга келаркин? Бўлиб хам мана бу жохилликлар аллохни шариатидаги барча ишларни ўз ичига олган бўлсачи?

Мана бу холатда, агар шахс уни иртидодгача тортиб олиб борган жинояткорона ишига нисбатан мўътабар жохилликка эга бўладиган бўлса, унинг мана бу мўътабар жохиллиги иртидод жиноятидан покланиши учун бахона,узр бўла олади ва мана шу мўътабар жохиллик шахсни иймонига зарар етишига монеълик қилади ва шахсга қарши хукм содир қилинишига, уни такфир бўлишига тўсиқ бўлади ва шахснинг мана бу мўътабар жохиллиги аллохни шариатининг қайси қисматини ўз ичига олишини хам фарқи йўқ.

Мўътабар жохиллик шариатни хаммасига тўғри келади, махсусан ақидага ўхшаш инсон бошқалардан тақлид қилиб ёки меърос қилиб ололмайдиган қисмида шахс албатта ақидасини тахқиқ қилиш,изланиш,тажриба қилиш, хато, аста-секинлик билан жохилликдан илмга сари харакатланиш оқибатида қўлга киритиши лозим. Жохилликдан илмга ва куфрдан иймонга ,кофирларни жамиятидан исломга томон қилинган харакат, аллохни назаридаги олдинга сари ривожланиш ва орқада қолишни маъносини,мафхумини англатади:

«أَنْيَتَقَدَّمَأَوْيَتَأَخَّرَ مِنْكُمْ شاءَ لِمَنْ».

Мана бу йўлда олдинга ривожланишни таъсирида орқада қолиш ё орқага қайтиш мушаххас бўлади.

Жохилликка узр келтириш борасида ишора қилиниши керак бўлган нуқта, динни усуллар ва фаръий нарсаларга тақсим бўлишидир, баъзи бир кишилар усулларда узр мавжуд эмас,аммо фаръий нарсаларда мавжуд,дейишни қасд қилишади. Аввало мана бундай тақсомотни қуръонда ва сахих суннатда хеч қандай асоси йўқ. Демак, бу борада кўнглингиз хотиржам бўлсин. Ибни Қоййим,ибни Таймия рохимахуллохга ўхшаган олимлар мана бу борада айтишганки: (усул ва фаръий) нарсаларга тақсим бўлишлик сахобаларни асридан кейин пайдо бўлган, бошқа томондан қараганда мана бундай тақсимотга қоил бўлган кишилар,динни энг катта усулларидан бўлган ва динни арконларидан хисобланган намозни фаръий нарсалардан ,деб хисоблашади ва салафлар ихтилоф қилган эътиқодга оид масалаларни хам фаръий нарсалардан хисоблашади. Уларга шуни айтамизки: агар сизларни усуллардан бўлган манзурингиз ақидавий масалалар бўладиган бўлса, динни хаммаси усулдир; чунки бизлар молий ё баданий ибодатларни шаръий эканига эътиқод қилган пайтимиздагина бажара оламиз; амалдан олдин эътиқод бўлиши керак, агар бундай ақида бўлмайдиган бўлса аллохни ибодатлари амални воситаси билан тўғри бўлмайди.... кўрдингизми, мана бу катта кишиларнинг мана бу масалага нисбатан кўз қарашлари бўлади. Демак, динда усул ва фаръий нарсаларга тақсим қилишликни қуръон ва суннатда хеч қандай асоси йўқ .

Мана бу холатда жохилликка узр келтириш мўътабар жохилликни динни бир қисмида эмас,балки динни хаммасида қабул қилишликдан иборат. Ошкор ва аниқ ишлар яъни шариатда аниқ ва ошкор баён қилинган ишлар ёки бошқаларга ошкор ва равшан бўлган ишлар эмас, олдин "шахс учун" ошкор ва равшан бўлган ишлардир. Шунинг учун хам бир мусулмонга ишларни ошкор ва равшан қилиниши керак, мана бу ишларни ошкор ва аниқ қилганимиздан сўнг, шахсни устида хукмни мархалаларни босиб ўтиш орқали содир қиламиз.

Энди, агар мусулмон киши шаръий каналлар орқали ўзини жохиллиги бартараф бўлиши учун харакат қилмаса ёки бирор

киши унга ишларни ошкор ва равшан қилиб беришига хам рухсат бермасачи? Мана бу холатда, бундай шахс хеч қандай узрли сабабсиз дарсларга хозир бўлмаган ва бошқалардан орқада қолган шогирдга ўхшайди, уни имтихонлардан ўта олмаслиги хам табиийдир. Мана бу шахсни хеч қандай узри йўқ, чунки унга хамма нарса мухайё эди, аммо "ўзини ихтиёри билан" дарсларга қатнашмаган ва "ўзини ихтиёри билан" ўзини таълимдан, юқори синфга ўтишдан,илгарилашдан махрум қилган. Шу тартибда муртад бўлган ва ўзларини учталик кофирлар (ахли китоб кофирлари,шибхи ахли китоб кофирлари, мушрик ва секуляр кофирлар) жумласига қўшган ва ўзларини улардан деб билган кишилар учун хам узр мавжуд эмас. Чунки жохилликка узр келтириш кофирларга эмас, мусулмонларга тегишли нарса, кофирларга эмас фақат мусулмонларга тегишли иммиёздир. Мана бу холатда агар мусулмон киши шундай мўътабар жохилликка эга бўлса,шу мўътабар жохиллиги уни такфир бўлишига монеълик қила олади ва хукм уни устидан олиб ташланади.

Иккинчи ўринда мусулмон кишини такфир қилинишига монеълик қила оладиган ишлар,қасддан қилинмаган унутиш,хато ва шунга ўхшаш ишлар хисобланади:

Инсонни ишлари қасддан ё қасд қилмаган холатда бўлишини хаммамиз яхши биламиз, унутиш ва хато ёки қаттиқ қўрқув ё ғазабланиш ё ўта қаттиқ хаяжонланиш сабабли инсон ўзи истамаган ишларни қилиши мумкин, мана булар қасддан қилинмаган ишлар жумласига киради ва шахс қасд қилмаган холатда хақдан узоқлашиб кетади ва жиноятга дучор бўлади, ишларни қасд қилмаган холатда бўлиши шахсни иймонига зарар етишига ва шахсни устида иртидод хукмини ижро этилишига монеъ бўлади. Аллох таоло бундай мусулмонлар хақида мархамат қиладики:

أَخْطَأْنَا أَوْ نَّسِينَا إِن تُؤَاخِذْنَا لَا رَبَّنَا ۗاكْتَسَبَتْ مَا وَعَلَيْهَا كَسَبَتْ مَا لَهَا ۚوُسْعَهَا إِلَّا نَفْسًا اللَّهُ يُكَلِّفُ لَا ...(بقره/٢٨٦)،

Аллох хеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (хар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон)

амали хам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!

)٥/احزاب) رَحيماً غَفُوراً اللَّهُ كانَ وَ قُلُوبُكُمْ تَعَمَّدَتْ ما لكِنْ وَ بِهِ أَخْطَأْتُمْ فيما جُناحٌ عَلَيْكُمْ لَيْسَ

Қилган хатоларингиз сабабли сизларга гунох йўқдир, лекин кўнгилларингиз (билан) қасд қилган нарсадагина (гуноххор бўлурсизлар). Аллох мағфиратли, мехрибон бўлган зотдир.

Хўп, росулуллох саллаллоху алайхи васаллам хам мана бу оят ва унга ўхшаган оятларни янада очиқроқ равшанлаштириш учун мархамат қиладиларки, агар умматим хатога,унутишга,мажбурий холатга дучор бўладиган бўлсалар, аллох таоло уларни мана бу ишларини кечиради:

«عَلَيْهِ اسْتُكْرِهُوا وَمَا وَالنِّسْيَانَ الخَطَأَ أُمَّتِي عَنْ لِي تَجَاوَزَ اللهَ إِنَّ».

Бу ердаги хатодан мақсад, шахс бир ишни қилмоқчи бўлади, аммо у қилган ишни натижаси у назарда тутган ишдан кўра бошқа нарса бўлиб чиқади,масалан:

Хайбар ғазотида қадрли сахобалардан бўлган Омир ибни Аквоъ розиаллоху анху душманни аскарини ўлдиришни қасд қилади, аммо урган зарбаси ўзига қайтади ва уни ўзи ўлади. Сахобаларни бири айтадики: Омир ўзини ўзи ўлдирди ва бу уни амалларини ботил қилади. Аквоъ розиаллоху анхуни акаси Салма розиаллоху анху ёшга тўла кўзлари билан росулуллох саллаллоху алайхи васалламни олдиларига келади,шунда у киши мархамат қиладиларки: сенга нима бўлди? Салма айтадики: Омирни амаллари ботил бўлди,дейишяпти. У киши мархамат қилдиларки: ким бу сўзларни айтди? Ёронларингизни бири,деб жавоб берди. Росулуллох саллаллоху алайхи васаллам мархамат қилдиларки:

مَرَّتَيْنِ أَجْرُهُ لَهُ بَلْ ،ذَلِكَ قَالَ مَنْ كَذَبَ.

Улар ёлғон айтишибди, буни ким айтган бўлса хам ёлғон айтибди, у учун икки баробар савоб мавжуддир.

Мана бу хадисдаги қадрли сахоба ўзини ўлдиришни қасд қилган эмасди, росулуллох саллаллоху алайхи васаллам хам уни қилган иши хато сабабли бўлганини ва у кечирилишини маълум қилиб бу ишга аниқлик киритадилар.

Ёки бошқа бир жойда росулуллох саллаллоху алайхи васаллам мархамат қиладиларки: худованд ўзи томонга тавба қилиб қайтаётган бандаси учун сизларни хар биригиздан кўра шодроқ бўлади. Одамлар яшайдиган жойлардан узоқдаги бир биёбонда бир шахс озиқ-овқат нарсалари билан бирга отини хам йўқотиб қўйган пайтида,уни топишдан ноумид бўлиб қолади. Шахс дарахтни соясига дам олиш учун чўзилиб ётади, у шу холатда паришон бўлиб турган пайтида тўсатдан отини бошига келиб қолганини кўради. Шунда отини тизгинини ушлаб олиб қаттиқ хурсанд бўлганидан айтадики:

اللَّهُمَّ أَنْتَ عَبْدِى وَأَنَا رَبُّكَ أَخْطَأَ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ، قَالَ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ

Мана бу шахс қаттиқ хурсанд бўлганидан айтадики: парвардигоро! Сен банда ва мен сени парвардигорингман. Мана бу шахс қаттиқ хурсанд бўлгани сабабли хато қилади.

Агар бир шахс аллохни ўзини бандаси деб хитоб қиладиган бўлса, шубхасиз бу шахс ошкор куфрга дучор бўлган бўлади, қатъан хам ошкор куфрга дучор бўлади, шунингдек агар бир киши қасддан,огох бўлган холатда бу ишни қилса, бу уни исломдан чиқишига боис бўлади, аммо олдин айтиб ўтилган шахсга ўхшаб хато қилган холда айтиб юборса маъзур бўлади ва уни устида хукм содир бўлмайди.

Албатта, хатокор ёки унутган шахсга нисбатан қаттиққўл бўлиш ва гунохни олиб ташланиши, мушаххас жиноятлардаги ахкомларни ижро қилинмайди деган маънода эмас. Чунки хато қилиш,унутиш борасидаги масалаларда баъзи бир масалалар борки, хато қилинган тақдирда хам уни ижро қилиниши керак, махсусан булар аллохнинг бандаларини хаққига тегишли бўлса. Қасд қилмаган холда одам ўлдиришга ўхшаш,бунда шахс бошқа бир кишини қасд қилмаган холда ўлдириб қўяди, буни баробарида эса ўзини қилган хатоси сабабли каффорот бериб дия тўлаши лозим. Ёки бўлмасам тахорат олишни унутиб тахоратсиз намоз ўқиган киши, бир муддатдан сўнг бу уни ёдига келади. Шунда, намозини иккинчи марта қайта ўқиши керак, ёки бир фарзни вақти ўтиб кетган бўлса ва у намозини унутиб қўйган бўлса, ёдига тушгандан сўнг уни ўқиши лозим.

Бу ердаги гунох уни иймонига зарба,зарар етказмайди, уни унутганлиги ё хато қилгани сабабли бу нарсалар иймонига зарар етишига монеълик қилади ва у етказган зарарини қоплаши лозим. Хар қандай холатда хам, унутиш ва хатога ўхшаган қасддан қилинмаган ишлар мусулмон шахсни такфир қилинишига монеълик қилади.

Такфирга монеълик қиладиган ва такфирни монеъликларидан бири хисобланган ўринлардан яна бири, икрох ва мажбурликдир:

Икрох холатида шахс бир ишни мажбурият сабабли қилади ва агар мажбур бўлмаса, мана бу шахс бу ишни қилмасди. Худди қурайшни секуляристлари Аммор ибни Ёсир розиаллоху анхуни унинг ўзи эътиқод қилмайдиган сўзларни айтишга мажбур қилганларига ўхшайди, аллох таоло кофирларни қўлига тушиб қолган мана бу сахоба хақида ва унга ўхшаганлар борасида қуйидагича мархамат қилади:

«فَعَلَيْهِمْ صَدْراً بِالْكُفْرِ شَرَحَ مَّن وَلَكِن بِالإيمَانِ مُطْمَئِنٌّ وَقَلْبُهُ أُكْرِهَ مَنْ إِلاَّ إِيمَانِهِ بَعْدِ مِن بِاللهِ كَفَرَ مَن عَظِيمٌ عَذَابٌ وَلَهُمْ اللهِ مِّنَ غَضَبٌ» (نحل/١٠٦)،

Ким аллохга иймон келтиргандан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (аллохнинг ғазабига дучор бўлур). Лекин ким қалби иймон билан ором олган холда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг иймонига зиён етмас). Аммо кимнинг кўнгли куфр билан (яъни,диндан чиқиб кофир бўлиш билан) ёзиладиган бўлса, бас,ундай кимсаларга аллох томонидан ғазаб ва улуғ азоб бордир.

Энди бир мусулмон кофирларнинг мажбур қилган нарсаларини баробарида қанчалик даражада чидаб бериши, унинг иймонига боғлиқ, бу учун хад,чегара таъйин қилинмаган. Сумайя розиаллоху анхо кофирлар талаб қилган нарсага бардош беради ва хатто жонини берган тақдирда хам куфрли сўзларни тилга олишга хозир бўлмайди ва олмайди хам ва ўша тоғутни юзига туфуради. Аммо уни ўғли Аммор ўша куфр сўзларини мажбурлиги сабабли айтади. Демак, шахсга бу борада таклиф,хад таъйин қилиб бўлмайди, бу шахсларнинг иймонини меъзонига, кенглигига боғлиқ бўлади. Аммо ислом уламолари ўлим ва зинони мана бу қоидадан мустасно қилишган ва хар қандай суратда мусулмон киши мана бу икки жиноятни агарчи жонини бериш эвазига бўлса хам қилмаслиги керак,деб эътиқод қилишади.

Муттахам шахсга нисбатан иртидод хукмини содир қилинишидан олдин текшириб чиқилиши лозим бўлган ва бу шахсни муносабат билдиришда охирги мархала сифатида ишлатиладиган такфирни монеъликларидан хисобланган нарса, таъвил бўлади. Мана бу мархалада хукмни содир қилмоқчи бўлган шахс комил ишончга эга бўлиши керак.

Шаръий таъвил қилиш ва шаръий ижтиход қилиш хам, хато қилиниши мумкин бўлган ўринлардан бири хисобланади, шу билан бирга у шахсни иймонига зарар етишига монеълик қилади ва мусулмон шахс ислом доирасидан чиқиб кетишига йўл қўймайди. Таъвил қилаётган кишининг хадафи аллохнинг шариатидаги қонунларга итоат қилишдир, аммо у қилган ижтиходида хатога дучор бўлади. Яъни таъвил қилувчининг асли мақсади аллохнинг шариатидаги қонунларга итоат қилиш,бўйсинишдан иборат бўлиб, у аслида аллохни буйруғига эргашмоқчи бўлади, аммо ижтиодда хато қилиб қўяди.

Шаръий хужжатларга нисбатан хато таъвил қилишлик, росулуллох саллаллоху алайхи васалламни асрларида содир бўлган, хатто тахлил ва тахрим хаддидаги таъвилларга бир неча ўринда ишора қилиб ўтдик, яна бир марта уларга ишора қилмоқчимиз. Аммо у пайтда росулуллох саллаллоху алайхи васалламни борликларига ва исломий хукуматни ва сахобаларни шўросини мавжудлигига қарамасдан, шахсни устида "набавий хужжат" иқома қилинмагунча ва шаръий каналлар орқали уни жохиллиги йўқотилмагунча ва ундан тавба қилиш талаб қилинмагунча, шахснинг қилган хатоси сабабли уни устида иртидод хукми ижро қилинмаган, агарчи Хотиб ибни Балтаъа розиаллоху анхуни воқеасида аввал у киши такфир қилинади, аммо кейинги қилинган текширувлар натижасида Хотиб розиаллоху анху хақидаги такфир хато бўлганлиги маълум бўлади, шу сабабли хам бу иш иртидод хукмини ижро қилинишигача етиб бормайди.

Сахобаларни асридаги ёки ундан кейинги асрлардаги хато таъвилларга, хато ижтиходларга мисоллар жуда кўп, бизларга

мавзуни яна ёритиб бериши учун уларни бир нечасига ишора қилиб ўтмоқчимиз:

1-Росулуллох саллаллоху алайхи васалламни сахобаларидан бўлган Жобир розиаллоху анху айтадики: сафарга чиққан эдик, бизларни биримизни бошимизга тош келиб тегди ва уни бошини яралади, бу шахс эхтилом бўлган эди, шунда у атрофидагилардан менда таяммум қилишга рухсат борми?-деб сўради. Бизни назаримиз бўйича сен учун таяммумга рухсат йўқ,чунки хозир сенда тахорат қилиш учун сув мавжуд,дейишди. Мана бу шахс ғусл қилди ва халок бўлди. Росулуллох саллаллоху алайхи васалламни хузурларига келган пайтимизда, у киши бундан хабар топдилар ва мархамат қилдиларки:

«أَوْ -وَيَعْصِرَ يَتَيَمَّمَ أَنْ يَكْفِيهِ كَانَ إِنَّمَا ،السُّؤَالُ الْعِيِّ شِفَاءُ فَإِنَّمَا يَعْلَمُوا؟ لَمْ إِذَا سَأَلُوا أَلَا ،اللَّهُ قَتَلَهُمُ قَتَلُوهُ جَسَدِهِ سَائِرَ وَيَغْسِلُ ،عَلَيْهَا يَمْسَحُ ثُمَّ خِرْقَةً جُرْحِهِ عَلَى -يَعْصِبَ».

Уни ўлдиришди, аллох уларни халок қилсин, агар билишмас экан нима учун савол қилиб сўрашмаган? Нодонликни ягона чораси,иложи сўрашдир, у фақат таяммум қилса ва бир эски латта билан ярасини боғлаб олса бўлди эди, шундан сўнг ярасини устига масх тортарди ва баданидаги қолган қисмини юварди.

Бу ерда кўриб турганимиздек нотўғри ижтиход бир мусулмонни ўлимига сабаб бўлди, аммо бу ердаги ижтиходда қилинган хато,жохиллик сабабидан хеч ким жазоланмади. Мана бу қадрли сахобалар таяммумга, намозга,тахоратга оид масалада ижтиход ва таъвил қилишади ва уларни қилган таъвили хато бўлиб чиқади ва шу таъвил бир мусулмонни ўлимига сабаб бўлади, аммо шунга қарамасдан уларнинг мана хато таъвиллари қабул қилинади ва шаръий манбаълардаги хато таъвил сабабли хеч ким жазоланмайди.

2-Иккинчиси росулуллох саллаллоху алайхи васалламнинг "рожиъ" ва "биърул маъуна" фожеасидаги ўзларини ижтиходлари бўлиб, бу ижтиход ана ўшанча сахобаларни ўлимига боис бўлган эди. Аввал бир марта бу фожеа бўлиб ўтади, росулуллох саллаллоху алайхи васаллам иккинчи марта хам юборадилар, аммо бу сафар хам шу фожеа содир бўлади.

3-Бошқа бир ўринда эса қадрли сахоба Бароъ ибни Маърур розиаллоху анхуга ишора қиламиз. Бу қадрли сахоба қибла

ўзгаришидан олдин барча мусулмонларга хилоф равишда қиблага қараб намоз ўқийди, мана бу пайтда бошқа мусулмонлар байтул муқаддасга қараб намоз ўқишарди, росулуллох саллаллоху алайхи васаллам мана бу сахобани макка томонга қараб намоз ўқиётганидан хабар топганларидан сўнг, бошқа мусулмонларга хабар берган холда, унга хам мусулмонлар билан бир хил бўл ва хамма намоз ўқиётган томонга қараб намоз ўқи,деб амр қилдилар; унга қараб намозларини яна қайтадан ўқишга буюрмадилар, нима учун??? Чунки у таъвил қилган эди.

4-Ўтган дарсларимизда ишора қилганимиздек, Хотиб ибни Балтаъа хам хато таъвил сабабли жосуслик гунохига дучор бўлади, Умар уни устида иртидод хукмини содир қилгандан сўнг; Хотиб розиаллоху анху ўзининг қилган иши иртидодга боис бўлишини яхши биларди, шунинг учун хам ўзига қарши Умар розиаллоху анхунинг содир қилган хукмини баробарида айтадики: мен муртад бўлганим йўқ,деб ўзини далилларини келтиради.

Бу ердаги сухбат уни иртидоди хақида кетаётганлиги мушаххас, уни мақсади муртад бўлиш бўлган эмасди.....яъни агар бир киши мана бу ишни мусулмонларга қарши кофирларни химоя қилиш учун қиладиган бўлса ва мусулмонларга қарши кофирларга ёрдам берадиган бўлса, бу уни иртидодига боис бўлишини яхши биларди. Аммо у мана бу ният билан бу ишни қилмаган эди, балки уни келтирган далиллари аслида уни мақсади бошқа нарса эканини кўрсатади, шу сабабли хам мен муртад бўлганим йўқ,деб далил келтиради ва росулуллох саллаллоху алайхи васаллам уни келтирган далилини қабул қиладилар, пайғамбаримиз уни хато таъвил қилганлиги боис узрини қабул қиладилар. Мана бу борада нозил бўлган оятлар хам Хотибнинг хато таъвил қилганини собит қилади.

5-Қуддома ибни Мазъун бир гурух кишилар билан бирга Умар ибни Хаттобни хукумати даврида тахлил хаддидаги хато таъвилга дучор бўлади, улар шаробни ўзларига халол қилишади, аллох таолонинг қуйидаги мархамат қилган оятида таъвил қилишади:

«لَيْسَ عَلَى الَّذِينَ آمَنُواْ وَعَمِلُواْ الصَّالِحَاتِ جُنَاحٌ فِيمَا طَعِمُواْ إِذَا مَا اتَّقَواْ وَّآمَنُواْ وَعَمِلُواْ الصَّالِحَاتِ ثُمَّ اتَّقَواْ وَّآمَنُواْ ثُمَّ اتَّقَواْ وَّأَحْسَنُواْ وَاللّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ» (مائده/93)،

Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун – агар (харом нарсалардан) сақланиб, иймон ва яхши амалларида собит бўлсалар, сўнгра ўзларини сақлаб (у нарсаларнинг харомлигига) иймон келтирсалар, сўнгра аллохдан қўрқиб чиройли амаллар қилсалар- (илгари) еб- ичган нарсаларида гунох йўқдир. Аллох чиройли амал қилувчиларни севади.

«جُنَاحٌ الصَّالِحَاتِ وَعَمِلُواْ آمَنُواْ الَّذِينَ عَلَى لَيْسَ»

Бу шахс юқоридаги жумлани атрофидаги дўстлари билан бирга шундай таъвил қилган ва тушунган эдиларки, агар хар қандай киши иймон келтирса ва яхши амаллар қилса ва ўзига эхтиёт бўлса шароб ичса хам бўлаверади; агар маст қилувчи шароблар истеъмол қилишса хам мушкили йўқ,деб тушунишади. Улар таъвил қилишган эди, мана бу кишилар хам такфир бўлишгани йўқ, балки хужжат иқома қилинади ва тавба қилишади, албатта уларни устида шароб ичган кишининг хадди ижро қилинади.

6-Ўтган дарслар мобайнида ишора қилиб ўтганимиздек бошқа бир намуна хаворижлардир, улар хам сахобаларни асрида нотўғри таъвилга дучор бўлишади, мана шу нотўғри таъвиллар билан мусулмонлар такфир бўлишади ва қўллари мусулмонларни қонига беланади. Аммо Али ибни Аби Толиб розиаллоху анхуни ўзи мана бу кимсаларнинг таъвилини қурбони бўлган, аммо у кишининг ўзлари уларни такфир қилмаганлар. Хатто уларни мунофиқлар тўдаси деб хам номламаганлар,балким уларни мусулмонларга қарши қўзғалон қилган бағий бўлган кишилар деганлар.

Мана бу ва шунга ўхшаган баён қилиб ўтилган бир неча воқеалар ўтган дарсларимизда хам уларга ишора қилганмиз,бу пайтларда исломий хукумат ва мурожаъат қилинадиган ва сенга нима қилишинг лозимлигини айтадиган хамда мана бу хато таъвиллар, нотўғри ижтиходларга муносабат билдирадиган маржаъ мавжуд бўлган, энди хозирда мана бундай неъматлардан махрум бўлган вохид ижмоъга хам эга бўлмаган ва содиқ уламоларнинг бир-бирига зид,турли-туман ижтиходлари,таъвилларидан қутулишни имкони бўлмаган ва шу билан бирга аксар жамиятларда ғолиб бўлган мунофиқларнинг шубхалари хам мавжуд бўлган хозирга даврда, мана бу изтирорий вазиятда нима қилиш керак?

Улил амр шўроси бўладиган ва мана шунча ижтиходлар ва таъвилларга бир ижмоъ сифатида ироя берадиган қози хам мавжуд эмас,сени ўзинг хам шикоятчи ва хам қози бўла олмайсан, демак бир қозини дунёга келтириш керак, унинг хар қандай сатхда бўлиши (қишлоқдами, шахардами, жамоатдами ёки бир неча жамоат биргами, давлатдами, минтақадами ёки жахон сатхидами) мухим эмас, албатта қозини вужудга келтириш керак, мана бу қози вужудга келмас экан, сен фақат ўзингни фикрингни баён қила оласан ва ўзингни химоя қиласан. Хатто фикрингни баён қилаётганингда хам эхтиёт бўлишинг лозим. Шу сабабли хам имоми Молик рохимахуллохга ўхшаган кишилар учун, бир муфтининг ихтилофли масалалар борасида: мана бу харом дейиш нихоятда оғир ботарди, балким улар имоми Молик рохимахуллохни айтишларича қуйидаги сўзларни айтишлари лозим эди: мен уни яхши иш эмас,деб билардим.

Мана бу суратда хақиқат улар учун муштабих бўлган шахслар,гурухлар, тоифалар, ахзоблар, мазхабларни вазияти нима бўлади? Муштабих, яъни улардан донороқ бўлган кишилар хам хатога дучор бўлган масалалардир. Муштабих яъни мубхам, шубхали, яширинган, ўхшаш, мушкил, номаълум.Муштабих яъни айтиб ўтганимиздек, шундай бир масалалар борки, тоифаларга ва гурухларга, ахзобларга, мазхабларга хам муштабих бўлган, хатто донороқ кишилар хам муштабих бўлишган, бундай кишилар хам хатога дучор бўлишган.

Ха, баъзи мусулмонлар оятларга ва ривоятларга ва тарихий ёзилган нарсаларга истинод қилиш орқали, ишлар уларга шу даражада муштабих бўлганки, мусулмонларни мутахассислари хам нима қилишларини билмай қолишган, хатоларга дучор бўлишган..... вохид уммотни ва вохид ижмоъни ташкил қиладиган мусулмонларнинг шўройи улил амри ташкил бўладиган замонгача вазият шу холида давом этади, ўша замонгача хеч хам ўзини мутлақ дейишга ва бошқаларни шаръий манбаълардан қилган ижтиходлари,таъвиллари сабабли такфир қилишга хаққи йўқ. Мана бу аксар мусулмонлар тушиб қолган изтирорий холатдир. Мана бу холатга сабр қилишлик худди ўлган хайвонни гўштини ейишга ўхшаган нихоятда оғир, аммо бошқа чора йўқ ва бундай

масалаларни хал қиладиган маржаъ ёки ўша исломий хукуматни шўроси ташкил бўлгунича сабр қилиш керак. Харакат қилиш билан бирга сабр қилиш лозим, мубораза қилиш билан бирга хам сабр қилиш керак бўлади.

Қимматли дўстлар, росулуллох саллаллоху алайхи васаллам қуйидагича мархамат қилган пайтларида: "менинг умматим 73 фирқага тақсимланиб кетади" мана бу фирқаларнинг барчаси диндан чиқиб кетмасликларига далолат қилади; чунки росулуллох саллаллоху алайхи васаллам мана буларни барчасини ўзимнинг умматим деб хитоб қиляптилар, хаммани ўзларининг уммати деб санаганлар, бу таъвил қилувчиларнинг агарчи ўзларини таъвилларида хатога дучор бўлишган бўлса хам, диндан чиқиб кетмасликларига далолат қилади.

Ибни Таймия рохимахуллох айтадики: 72 фирқа хам мана шунга ўхшашдир, уларни орасида ботинда кофир бўлиб мунофиқ бўлганлар хам бор, уларни орасида шундайлари хам борки, мунофиқ эмаслар, балки дилларида аллох ва пайғамбарига мўъмин бўлиб ботинда кофир хам эмасдур; улар таъвилда хатога дучор бўлишлари мумкин, энди бу хар қандай хато бўлишидан қатъий назар..... энди мана бу 72 фирқани хаммаси кофир ва ислом миллатидан чиққан деган кимсага ; китоб ва суннат , сахобаларни ижмоъси – уларга аллохни розилиги бўлсин – тўрт имомни ижмоъси ва ундан бошқа имомлар хам қаршилик билдиришган, зеро уларни хеч қайси бири 72 фирқани кофир демаган,балки мана бу фирқаларни ўзлари баъзи ақидалар асосида бир-бирларини такфир қилишади. Бўлмасам аиммаларни хеч қайси бири уларни такфир қилган эмас. Мана бу гурухларни хеч қайси бири хатто ўзларини ўзлари такфир қилган гурухлар хам такфир қилинган эмас."

Демак хатто ибни Таймияни сўзи бўйича ботинда кофир бўлган мунофиқлар ёки мунофиқ бўлмаган ва дилида худога иймон келтирган,лекин хато таъвил қиладиган кишилар, ибни Таймия айтадики: энди мана бу таъвилдаги хато хар қандай нарса бўлишидан қатъий назар, агар кимки мана буларни кофир ва ислом миллатидан чиққан,деса, китоб ва суннатга ва сахобаларни ижмоъсига – аллох улардан рози бўлсин- ва тўрт имомни ижмоъсига ва бошқа имомларни ижмоъсига мухолифат қилибди;

мана бу таъвил қилган кишилар хақидаги ибни Таймиянинг айтган сўзларидир. Агарчи мана бу гурухлар ўзларини ўзаро таъвил қилишган бўлса хам ёки бир-бирларини такфир қилишган бўлса хам, бу уларни ўзларининг мушкилотлари ва ўзларининг хатолари хисобланади. Мана бу уларни ўзларини манхажлари бўлади, уларнинг мана бу такфир қилишлари хам қуръонга, суннатга ва сахобаларни ижмоъсига, тўрт имомни ва бошқа имомларни ижмоъсига қаршилик қилиш бўлади.

Мана бу борада ислом тарихида жуда кўп намуналар мавжуд, хаворижларга ўхшаб таъвил қилган гурухлар хам бор, мўътазилага ўхшаш пайғамбаримиз саллаллоху алайхи васалламни ёлғончига чиқаришмаган, аммо бидъат сабабли ўзларини йўқотиб қўйишган ва ўзларининг гумонларида ўзларини хақ деб ўйлайдиган гурухлар хам бор, мана бунга ўхшаган барча гурухларни ахли таъвил дейишган ва хеч ким уларни такфир қилган эмас. Шунинг учун хам сахобалар хаворижнинг саргардон ва муртад эканига иттифоқ қилишган эди, бу борада сахих хадислар хам ворид бўлган. Шу билан бирга уларнинг исломдан четга чиқмаганликларига хам иттифоқ қилишган, агарчи улар мусулмонларни қонини халол қилиб олишганига ва жуда кўп шаръий ишларни инкор қилишганига қарамасдан уларни диндан чиқмаган дейишади, чунки уларнинг қилган таъвиллари такфир бўлишларига монеълик қилади.

Биз мана бу ўринларни яна қайтадан такрорлаб айтяпмиз, чунки мана бу такрорлашларни хатога дучор бўлган дўстларимизга фойдаси тегиб қолар деган умиддамиз. Бизлар мана бу борада бутун тарих давомидаги ёки ўтган бир неча асрлардаги хато йўлга тушиб қолган ахли суннатга мансуб бўлган фирқаларнинг ва бошқа фирқаларнинг орасидаги буюк имомларнинг юзлаб ижтиходларига эгамиз, мана буларнинг хаммаси шаръий манбаълардан хато таъвил қилишга очиқ-ойдин намуна бўла олади. Хозирни ўзида хам ташқи секуляр босқинчиларга ва уларнинг махаллий навкарларига ва махаллий тоғутларга қарши жиход қилиш бўйича хам турли-хил ижтиходлар мавжуд, аммо уларга нисбатан садрил исломнинг кенг-кўламли назари билан қараш ва унга муносабат билдириш керак бўлади.

Олдин хам айтиб ўтганимиздек, ихтилоф илохий хикмат тақозо қилган суннат хисобланади, аллох таоло бу хақида мархамат қиладики:

«وَتَمَّتْ خَلَقَهُمْ وَلِذَلِکَ رَبُّکَ رَّحِمَ مَن إِلاَّ *مُخْتَلِفِينَ يَزَالُونَ وَلاَ وَاحِدَةً أُمَّةً النَّاسَ لَجَعَلَ رَبُّکَ شَاء وَلَوْ أَجْمَعِينَ وَالنَّاسِ الْجِنَّهِ مِنَ جَهَنَّمَ لأَمْلأنَّ رَبِّکَ كَلِمَهُ»(هود/١١٨)،

Агар парвардигорингиз хохлаганида,барча одамларни бир миллат (яъни бир динга эргашувчи) қилган бўлур эди. (Лекин у зот бундай бўлишини истамади. Шунинг учун) улар (одамлар) мудом ихтилоф қилурлар. магар парвардигорингиз рахм қилган кишиларгина (хақ йўлда иттифоқ бўлиб яшарлар). Уларни шунинг учун (яъни бировлари хақ йўлда хидоят топишлари, бошқалари нохақ йўлларда талашиб- тортишиб юришлари учун) яратгандир. Парвардигорингизнинг "мен жаханнамни (кофир) жин ва (кофир) одамларнинг барчаси билан тўлдирурман",деган сўзи тўла хақ бўлди.

Демак аллох таоло "ла язалуна мухталифина" деган пайтида хамма инсонларни вохид уммат қилмаган, бу ерда шуни айта оламизки, ихтилоф қочиб қутулиб бўлмайдиган нарса, мусулмонлар мана бу калон яъни катта ихтилофларни енгиб ўтган пайтларида, бошқа инсонлар хамма инсонларни ўртасида хам ихтилофларга эга бўлишади ва мана буларни барчасидан қочиб қутулиб бўлмайди, аммо мусулмонлар мана бу буюк ихтилоф (куфр ва иймон) дан ўтиб олишгач ва вохид шўро орқали вохид уммотни ташкил қилган пайтларида ва :

لِلنَّاسِ أُخْرِجَتْ خَيْرَأُمَّةٍ كُنتُمْ

бўлишади, мана бу ерда уммат бўлишади. Ичкарида мана бу шўро уммотни ташкил қилади, аммо мана бу уммотни орасида турли-туман назарлар мавжуд бўлади.

Мана бу холатда, исломий давлатда ва унга хоким бўлган шўрода ва мана бу шўрода вужудга келган уммотда ихтилофни мавжуд бўлишлиги нафақат зарурат эмас, балки фиқхни тирик ушлаб туриш ва уни янада кенгайтириш учун рахмат хам хисобланади, мана бу уммотнинг кундалик ижтиход қилса бўладиган масалалар борасида турли-туман кўз –қарашларга ва хилма-хил, янги назарларга эга бўлмасликларини иложи йўқ. Шунга қарамасдан

уларни барчасини бир жойда жамлайдиган абзор, исломий хукуматни қобиғи остидаги улил амр шўросидир. Турли-хил раъйларни илохий суннат ва бизларни ихтиёримиздаги абзорлар билан муттахид қилиш учун иддао қилинган нарсалар айни хақиқатдир, кимки шундан бошқача иддао қиладиган бўлса қаттиқ хато қилади, аллохни суннати ва уни қонунларига қарши бўлган нарсалар албатта мағлубиятга учраши аниқ. Ягона йўл шўро бўлади, мана бу шўро қандай сатхда ташкил бўлгани мухим эмас.

Мана бу суратда, аллох таоло ўтган замонлардаги пайғамбарларни достонларини зикр қилиш билан мархамат қиладики:

«فَاعْبُدُونِ رَبّكُمْ وَأَنَا وَاحِدَة أُمَّة أُمَّتكُمْ هَذِهِ إِنَ» (انبياء/٩٢)،

(эй инсонлар), сизларнинг миллатингиз –динингиз хақиқатда бир диндир (яъни исломдир). Мен эса (барчаларингизнинг) парвардигорингиздирман. бас, менгагина ибодат қилинглар!

Ёки қуйидагича мархамат қилган пайтида:

«فَاتَّقُونِ رَبُّكُمْ وَأَنَا وَاحِدَةً أُمَّةً أُمَّتُكُمْ هَذِهِ وَإِنَّ» (مؤمنون/٥٢)،

Шак-шубхасиз (барчангизнинг) миллатингиз (яъни динингиз) бир миллат (яъни исломдир). мен эса сизларнинг парвардигорингиздирман, бас, мендангина қўрқингиз".

Бу ерда аллох таоло очиқ-ойдин мисолларни зикр қилиш билан бирга, бизларга вохид умматни вужудга келтириш учун охирги элчини шариатининг канали орқали аллох таолони ибодатларини қилиш эканини етказяпти, мана бу элчи хам шариатга эргашиш ва аллохни дастурларини баён қилиш билан исломий давлатни қобиғини остидаги улил амр шўросини, вохид умматни сақлаб қолиш учун ягона абзор деб таништиради:

«يُنْفِقُونَ رَزَقْناهُمْ مِمَّا وَ بَيْنَهُمْ شُوري أَمْرُهُمْ وَ الصَّلاةَ أَقامُوا وَ لِرَبِّهِمْ اسْتَجابُوا الَّذينَ» (شورى/38).

Улар парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўкис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро-маслахат (билан) бўлур ва биз уларни ризқлантирган нарсалардан инфоқ – эхсон қилурлар.

Ха, улил амр шўроси қулашидан олдин ихтилоф зиддият эмас,балки хилма-хиллик бўлган, хилма-хиллик эса хамиша бойлик ва баракотни масдари бўлади ва бўлган, мусулмонларнинг ихтилофи хато йўлни босиб ўтаётган пайтида у ўша унутиш,хато доирасида қолади ва мусулмонларни шўросига мурожаъат қилиш билан бу иш хал бўлади; уммул мўъминин Оиша розиаллоху анхо улар билан назар бўйича ихтилофга эга бўлган сахобалар хақида шундай деб мархамат қилган эдилар: у ёлғон айтмаган, эхтимолан у ё унутиб қўйган ёки хато қилган ёки матлабни нотўғри тушунган. Мана бундай жамиятда баъзи кишилар ижтиход қилинадиган масалалар бўйича гўёки бошқачага ўхшаб туюлишади ва хукмга,сурат масаласида эътиқод қилиш бўйича бошқалар билан ихтилофга эга эмас, балки уларни бошқалар билан ягона фарқи баён қилиш,тушунтириш равишидадир. Улар хукмга ва масалани суратига эътиқод қилишда эмас ,балки хукмни баён қилиш,тушунтириш шевасида бошқалар билан ихтилофга эга.

Албатта олдин хам айтиб ўтганимиздек, шаръий хужжатларга нисбатан хато таъвил қилишлик, росулуллох саллаллоху алайхи васалламни ва сахобаларни асрларида хам содир бўлган, хатто тахлил ва тахрим хаддидаги таъвилга Қуддома розиаллоху анху ва уни хамрохлари дучор бўлишади. Аммо исломий хукуматни ва сахобаларни шўросини мавжудлиги сабабли, шахсни устида "набавий хужжат" иқома қилинмагунича ва уларни жохилликлари шаръий канал орқали йўқотилмагунича ва улардан тавба қилишни талаб қилинмагунича, Қуддома розиаллоху анху ва у кишини хамрохлари оят ва шаръий манбаълар бўйича қилган хато таъвиллари учун такфир қилинишмаган.

Мана шу намуна хақида биз қайта-қайта хаворижлар хақида жуда кўп такрорий холда баён қилганмизки, алмуғнийда қуйидагиларни ўқиймиз:" агар шахс бегунох кишиларни ўлдиришни ва уларни молларини тортиб олишни хеч қандай шубхасиз ва таъвилсиз жоиз деб билса, кофир бўлади, лекин агар хаворижга ўхшаб уни таъвил қиладиган бўлишса, агарчи улар мусулмонларни қонини тўкишни ва молларини тортиб олишни мубох деб билишса ва бу ишларни аллохга яқинлашиш учун қилишса хам уламолар уларни такфир қилишмаган". Буни давомида айтадики: " шу жумладан

хавориж мазхабида танилган ўринлардан бири шуки, улар жуда кўп сахобаларни, тобеъинларни такфир қилишган, шунингдек уларни молларини ва қонларини халол қилишган ва уларни ўлдиришлик худога яқинлашишга сабаб бўлади ,деб санашган,лекин мана бу масалаларга қарамасдан фуқахолар улардаги таъвил сабабли уларни устида кофирлик хукмини содир қилишмаган."

Қаранглар дўстлар, айтишларича хаворижлар жуда кўп сахобаларни такфир қилишган, жуда кўп тобеъинларни такфир қилишган, уларни мол ва қонларини халол қилиб олишган, уларни ўлдириш воситаси билан аллохга яқинлашиш содир бўлади,деб санашган. Уларни фикрлашича, агар улар имоми Али розиаллоху анхуни ўлдиришса худога яқинроқ бўлишади. Улар ашара мубашшарадан хисобланган ва аллохни шариатида буюк мақомга эга бўлган имоми Алидек шахсни ўлдиришлик орқали аллохга яқинлашиш хосил бўлади ,деб билишарди, аммо шунга қарамасдан хеч ким уларни такфир қилмади. Нима учун? Чунки таъвил қилишган эди.

Демак дўстлар диққат қилинглар, бизларнинг катта кишиларимиз сахобаларни,тобеъинларни такфир қилган кишиларни хам такфир қилишмаган. Улар ўзларини хақларига зулм қилган кишилар эди, сен хам ўзингни хаққингга зулм қилма. Чунки агар сен хам уларни такфир қиладиган бўлсанг, улардан фарқинг қолмайди, худди уларга ўхшаган золим бўласан. Шунинг учун хам алмуғнини сохиби айтадики: сахобаларни,тобеъинларни такфир қилган ва уларни молларини,қонларини халол қилиб олган ва бу ишлар уларни аллохга яқинлаштиради,деб фикрлайдиган кишиларни хеч ким такфир қилган эмас.

Ибни Таймия рохимахуллох айтадики: хаворижлардаги бидъатни сабаби уларнинг қуръонни ёмон тушунганликларини кетидан бўлган эди, унга қарши чиқишликни мақсад қилишмаган, унга далолат қилмаган нарсани тушуниб олган эдилар,бу нарса гунохкор кишиларни такфир қилишга сабаб бўлади ,деб ўйлашарди. Кўрдингизми, ибни Таймия рохимахуллохни хавориж хақида айтишича, уларнинг қилаётган ишлари улар қуръонни нотўғри тушуниб олганликларини кўрсатиб турибди, улар

қуръонга қарши чиқиш ё душманчилик қилишни қасд қилишмаган, уларни тушунчаларига кўра мана бу гунохларга дучор бўлган кишилар кофир бўлади,деб ўйлашарди. Улар шундай таъвил қилган эдилар, улар қуръонни оятлари ва ривоятларига нисбатан шундай истинод қилган эдилар. Уларнинг хато таъвиллари сабабли хеч ким уларни такфир қилмади.

Хўп, энди садрил исломни бошланғич даврида исломий хукумат мавжуд бўлган пайтда, мана бу адашган харакатлар ўша даражада қолишади ва ғолиб харакатга айланишмайди. Аммо росулуллох саллаллоху алайхи васалламни равишлари бўйича қурилган исломий хукумат қулагач ва вахдатга сабаб бўладиган ягона улил амр шўроси йўқолгач, хилма-хил кўз-қарашларга вахдат бағишловчи маржаъ исломий хукуматни қулаши оқибатида йўқолгач,бу ерда мусулмонлар мурожаъат қиладиган бошқа маржаъ мавжуд эмас эди, хар ким ўзини хақ деб билмаслиги учун мана бу маржаъ ўзини ижмоъси билан охирги назарини содир қиларди. Мана бу маржаъ йўқолгач вужудга келган ихтилофлар сабабли фирқаланиш, мазхабларга бўлиниш вужудга келади. Бизларни барчамиз бутун тарих давомида кўриб турганимиздек, мана бу ошкор хақиқатни хеч ким кўрмаганликка ола олмайди.

Мана бу мазхабларга бўлинишлар, фирқаланишлар, гурухларга тақсимланишлар ана ўша она маржаъни бузилгани ва шўродан вужудга келган хамда вохид ижмоъни ироя берадиган вохид умматни йиқилиши сабабли юзага чиққан эди, мана бу маржаъ яна қайтадан қайтиб келгунича мана бу мазхабларга бўлинишлар, фирқаланишлар, хилма-хил гурухларга тақсимланишлар ва турли-хил таъвилотлар асосида вужудга келадиган турли-туман ихтилофлардан қутулишни иложи йўқ, хеч ким бундан қочиб қутулиб кетолмаган, шунингдек бу нарса бутун тарих давомида доим мавжуд бўлган.

Мусулмонлар мана бундай мусибатга дучор бўлиб ўзларини исломий хукуматларини қўлдан бой берган пайтларида, мана бу харакатлар аксар жамиятларда ўз-ўзидан хоким бўлди,мазхабларга бўлинишди. Бундан ташқари мунофиқлар ва секулярзадалар хам фирқалашни ва ўзларини атрофларига бир гурух мусулмонларни жамлашни бошлаб юборишди. Ўтган даврларда хам улар хилма-хил фирқаларни вужудга келтиришган

ва хозирда хам мана шу секулярзадалар ўзлари учун турли-туман тафсирлар ва ахзоблар унвони остида фирқалашларни ва ўзларини атрофларига бир гурух мусулмонларни жамлашни давом эттиришяпти. Хозирги даврда улар ўзларининг исмларини хизб қўйиб олишган.

Исломий хукуматни ва шўрони қўлдан бой берилгани сабабли осонлик билан ўтган бир неча асрдан хозирги пайтгача исломий диёрларни ва мусулмонлар яшайдиган минтақаларни жуда кўпида ёлғон ва тўғри ижтиходларни,таъвилотларни бозори чаққон бўлиб қизиган. Энди бу ерда ихтилоф хоким эмас, балки тафарруқ вужудга келган.

Ихтилофни умри қисқа бўлиб ўзини самарасини беради ва шўрони ўзида дафн бўлади. Аммо тафарруқ асрлар давомида чўзилиши ва фожеъаларни келтириши мумкин. Мана бу бизларни хаммамиз кўриб турган тафарруқни ўзи бўлиб, улил амр шўроси ташкил бўлгунича ва мана бу шўродан вохид уммат ижод бўлгунича ва бу умматдан вохид ижмоъ чиқиб келгунича, мана бу тафарруқ ўзини фожеъали хаётини давом эттиради.

Хурматли сахобаларни асрида тахлил ва тахрим хаддидаги нотўғри таъвилотлар мавжуд бўлгандан сўнг, хозирги асрда мана бундай нарсалар бўлиши мумкин эмасми? Росулуллох саллаллоху алайхи васалламни шогирдлари мана бундай хатоларга дучор бўлишлари мумкину,лекин бизларни устозларимизни шогирдлари ва бизларни шогирдларимиз бундай хатоларга дучор бўлмасликлари керакми? Мана бу назар хатодир, мана бу назар росулуллох саллаллоху алайхи васалламни ўзларини ва у кишининг шогирдларини хақорат қилиш ва бизни устозларимизни ва бизларни шогирдларимизни буюклаштириб кўрсатиш бўлади. Мана бу ғурур,такаббур, истикбордир. Демак, росулуллох саллаллоху алайхи васалламни асрларидан сўнг то бугунги кунгача ва то қиёмат кунигача хам шахслар мана бундай хатоларга дучор бўлмасликлари мумкин эмас. Бўлиб хам хозирги улил амр шўроси қулаган ва уламолар зарурат юзасидан шахсий ижтиходларга қўл урган ва кўпчиликни ижтиходини ва шўросини ўрнини шахсий ижтиходлар эгаллаган пайтда бундай бўлиши

табиийдир. Уламолар мажбур бўлган шахсий ижтиходлар нимани ўрнини эгаллаб олган? Кўпчиликни ижтиходини,шўросини ўрнини эгаллаб олган:

«وَلَا *الْمُفْلِحُونَ هُمُ وَأُولَئِكَ ۚ الْمُنكَرِ عَنِ وَيَنْهَوْنَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَأْمُرُونَ الْخَيْرِ إِلَى يَدْعُونَ أُمَّةٌ مِّنكُمْ وَلْتَكُن
-١٠٥/عمرانآل) «عَظِيمٌ عَذَابٌ لَهُمْ وَأُولَئِكَ ۚ الْبَيِّنَاتُ جَاءَهُمُ مَا بَعْدِ مِن وَاخْتَلَفُوا تَفَرَّقُوا كَالَّذِينَ تَكُونُوا
١٠٤)،

*Ораларингиздан яхшиликка (исломга) даъват қиладиган,ибодат-итоатга буюрадиган ва исён гунохдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. ана ўшалар нажот топгувчилардир. ** Аниқ хужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб - тортишган кимсалар каби бўлмангиз! ана ундайлар учун улуғ азоб бордир.*

Бу ерда амр ба маъруф ва нахий аз мункар қилишга лойиқ бўлган мақом "уммат"дир. Хурматли биродарлар ва опа-сингиллар, қулоқ солинглар "валтакун минкум умматун" мана бу маржаъ умматдир,

«الْمُنكَرِ عَنِ وَيَنْهَوْنَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَأْمُرُونَ الْخَيْرِ إِلَى يَدْعُونَ»

Мана бундай уммат сизларни орангизда бўлиши лозим. Амр ба маъруф ва нахий аз мункар қилишга лойиқ,муносиб маржаъ уммат бўлади. Умматни мавжуд бўлиши хам шўрога боғлиқ нарса, чунки шу шўрони канали орқали амр ба маъруф ва нахий аз мункар қилмоқчи бўлган кишиларга "ижмоъ" сифатида вохид назар ироя берилади.

Мана бу уммат ягона раъйни амр ба маъруф ва нахий аз мункар қилган кишиларни хаммасига ироя беради, одамларни бошини айлантириб бир неча бўлакларга бўлиб ташлайдиган хилма-хил раъйларни ироя бермайди. Дўстлар бир эътибор беринглар,уммат ижмоъ номли бир раъйни ироя беради; мана бу ижмоъ амр ба маъруф ва нахий аз мункар қиладиган кишиларни хаммасига ироя берилади ва турли-хил шахарларга,қишлоқларга ёки хохлаган жойларига бориб таблиғ қилмоқчи бўлган барча шахсларга,минглаб нафарларга,бир қанча минг кишиларга ягона раъйни ироя беради. Нима учун? Чунки уларни хаммасини раъйи умматники ва мана бу умматни вохид ижмоъсидир. Энди мана бу пайтда фалончи қишлоқни, фалончи шахарни,фалончи вилоятни,фалончи давлатни раъйини бир-биридан фарқи йўқ, уларни хаммасини сўзи битта. Фалончи махаллани муллоси бир

нарса дейдиган бўлса, бошқа бир махаллани муллоси бошқачароқ нарсани айтибди,деган нарса бўлмайди. Ёки ота бир масжидга бориб бир нарсани эшитиб келган бўлса, ўғил бошқа бир масжидга бориб бошқа бир нарсани эшитибди ёки куёв ва бошқа қариндошларни хар бири бошқа бир нарсани эшитибди, бўлмайди. Энди мана бу кишиларни хаммаси жамланиб сухбатлашган пайтларида уларнинг хар бири бир-биридан фарқли сўзларни айтишади. Бири келиб бизни муллойимиз бундай ,деди деса,бошқаси бизни муллойимиз мана бундай деди,дейди, шунинг учун хам аллох таоло амр ба маъруф ва нахий аз мункарни ўзига муносиб мақомга ато қилган яъни "уммат"га:

«وَلْتَكُن مِّنكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنكَرِ».

Мана бу уммат шўродан вужудга келган ва ягона раъйни ироя беради.

Хўп, уламолар мана бу даъватни вазифаси "шўродан" келиб чиққан ягона "уммат"ни бўйнида эканини ва мана бу умматни аъзолари уларга ироя берилган "ижмоъ"га эргашган холда хаммалари бир хил шева билан мусулмонларга сухбат қилишларини яхши билишган, аимма ва уламолар буни яхши билишарди. Улар мана бу даъватни илгари юргизишлик шўродан чиқиб келган умматнинг вазифаси эканини ва мана бу умматни аъзолари хам мана бу ижмоъ ироя берган раъйга эргашишларини ва уларни хаммаси мусулмонларга бир хил шева билан сухбатлашишларини ва одамларнинг бошлари айланиб саргардон бўлиб қоладиган холатга туширмасликларини билишарди. Улар умум мусулмонларга вохид раъйни етказишади ва мана бу вохид раъйга итоат қилиш вожиб ва унга қаршилик қилиш харомдир. Шунинг учун хам танхо мана бу ташкилот мустахдиса ва кундалик масалалар бўйича харом ва халол қилиш мақомига лойиқдир,уламолар мана буни жуда яхши билишган.

Аммо улар шуни хам яхши билишардики, энди хозирги пайтда исломий хукумат хам қулаган ва мана бу буюк мусибатни кетидан "вохид уммат" хам мавжуд эмас ва ўртада кичик,тарқоқ умматлар вужудга келган, яъни ўнлаб кичик,тарқоқ умматлар вужудга келишган ва улил амрни "вохид шўро" си хам нобуд бўлган, шўрони вохид ижтиходини ва вохид умматни ўрнини бир неча

шахсларнинг ижтиходлари эгаллаган ва "вохид ижмоъ" хам табиий равишда ўртадан йўқолган; бу ерда "аззаруроту тубихул махзурот" қоидасини хукми бўйича, хар бир олим ночор холда ўзларининг мавжуд вазиятларидаги мусулмонларнинг эхтиёжлари тақозо қилган масалалар бўйича аниқлаштириб беришга мажбур бўлганлар, улар ана ўша ўзларининг замонларида ойдинлаштириб беришга мажбур бўлишган. Аммо мана бу уламолар ўзларини раъйлари "ижмоъ"ни раъйига ўхшамаслигини хам яхши билишган, мана бу раъй умматдан келиб чиққан ижмоъни раъйи эмас эди ва кундалик ижтиходий ишлар бўйича халол ва харом меъёрида бўла олмайди. Шу сабабли, олдин хам айтиб ўтганимиздек, имоми Молик рохимахуллохга ўхшаган кишилар учун бир муфтининг ихтилофли масалалар бўйича мана бу харом,дейиши нихоятда оғир бўлган, балки улар мен буни нотўғри деб биламан ,дейишлари лозим бўлади.

Мана бу борада ибни Рушд рохимахуллох албаян ваттахсилда келтиришича, имоми Молик айтадики: одамлар учун фатво беришлик мана бу тарзда бўлмайди, яъни мана бу халол ва мана бу харом дейилмайди,балки мен мана бу ишни нотўғри деб биламан ёки мен мана бундай ишни қилмайман,дейилиши керак. Ўтган замонларда одамлар мана шу билан кифояланишган ва хурсанд бўлишган, улар айтишардики, биз буни хуник деб биламиз ёки ундан пархез қилиш керак, лекин улар мана бу халол ёки мана бу харом дейишмасди ва ибни Рушд рохимахуллох давом этиб айтадики: менга шуниси қизиққки, бу бизни минтақаларимизда хам ривожланган нарса. Яъни ибни Рушд рохимахуллохни замонида хам шундай нарсалар бор бўлган.

Мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги уламолар яна қайтадан мана шундай даркни қўлга киритишларига ва ижтиход қилса бўладиган ишларда ёки жуда кўп ижтиходлар қилишга тўғри келадиган ишларда мана буни халол дейман ва мана буни харом дейишади,демасликларини,балки мен буни нотўғри деб санайман ё мени назаримда бу тўғри бўлади ёки мен бу ишни қилмайман, дейиш билан кифояланишларини умид қиламиз. Чунки бир-бирини зиддига айтилган сўзларни орқасидан ўзаро такфир қилишлар хам бошланади. Уламолар ўзларининг солих ота-боболарини равишларига қайтишларини умид қиламиз.

Мана бу ижтиход қилса бўладиган ишлар бўйича турли-хил таъвилотлар вужудга келади, қишлоқда ва шахарда, минтақадаги мусулмонларнинг вохид улил амр шўроси ёки бутун жахоннинг вохид улил амр шўроси ташкил бўлгунича, бир мужтахиднинг ижтиходи билан бошқа бир мужтахидга ёки мана бундай ижтиходга амал қиладиган муқаллид кишига хамла қилиб бўлмайди, ёки уларни такфир хам қилиб бўлмайди; балки уларни кўз- қарашларини танқид қилиш чорчўпи бўйича шаръий услубларни риоя қилган холда танқид қилса бўлади холос.

Демак, бир мужтахиднинг ижтиходи билан бошқа бир мужтахидга ёки ана ўша бошқа бир мужтахид билан бирга бўлган муқаллидга хамла қила олмайсиз. Сиз хам бир мужтахиднинг тарафини олсангиз ва у хам бошқа бир мужтахидни тарафини олса, сен бир мужтахидни ижтиходи билан хамла қиласан ва у хам бошқа мужтахидни ижтиходи билан сенга хамла қилади, бу билан хозирги даврларда бизлар гувох бўлиб турган ўйинлар,жиноятлар содир бўлади.

Мусулмонлар яшайдиган диёрларда яна қайтадан исломий хукумат ташкил бўлиб улил амр шўроси шаклланмагунча ва ўзини вохид ижмоъси билан амр ба маъруф ва нахий аз мункарни рисолатини ўзини зиммасига олмагунича, мана бу изтирорий холат, яъни худди ўлакса хайвонларни гўштини истеъмол қилишдек бу вазият ўртадан кетмагунча давом этади. Олдимиздаги мавзу билан тўғри муносабатда бўлишимиз лозим.

Ибни Таймия рохимахуллох мазхабларнинг имомлари хақида айтадики: уларни хеч қайси бири росулуллох саллаллоху алайхи васалламни сахих хадисларига қасддан қаршилик қилишмаган. Демак сахих хадисларни тарк қилишда улар учун узр,асос келтиришимиз керак. Буни давомида айтадики: хамма узрлар уч хил бўлади:

1-Мана бу сўзни росулуллох саллаллоху алайхи васаллам айтганликларига ишонмаслик.

2-Хадисни хадафи фалончи мавзу эканига ишонмаслик.

3-Масалани хукми мансух бўлганига эътиқод қилиш.

Хўп, хозирги пайтда исломий мазхабларни,фирқаларни барча ихтилофларига назар солсангиз, бу ихтилофларнинг оятларга тегишли бўлган масалаларда,таъвилотларда ва ривоятларга тегишли таъвилотларда эканини кўрасиз. Хамма исломий фирқаларни ,мазхабларни ихтилофлари мана шунда. Ёки улар росулуллох саллаллоху алайхи васалламнинг мана бундай сўзни айтганларига ишонишмайди. Ёки хадиснинг хадафи, сен сухбат қилаётган нарса хақидаги фалончи мавзу эканига ишонишмайди, ёки мана бу масалани мансух бўлган деб эътиқод қилишади. Хўп, улар росулуллох саллаллоху алайхи васалламни мана бу ривоятларини таъвил қилишган эди ва улар учун узр келтирган ва улар узрга эгадурлар. Хўп, қуръон оятларидан хам шундай таъвилотлар мавжуд ва бундай таъвилотлар бутун жахон ё минтақадаги улил амр шўроси ташкил бўлгунича давом этади ва ўша пайтгача исломий фирқаларни,мазхабларни шаръий таъвилотлар сабабли такфир қилиб бўлмайди; модомики улар аллохни шариатидаги чорчўпни ичида ва мусулмонларни жамоатида харакат қилишар экан.

Хатто ибни Таймия рохимахуллохни сўзи бўйича агар улар ботинда кофир бўлган кофир мунофиқ бўлишса ёки аллохга иймон келтирган мунофиқ бўлишса хам, хар қандай холатда агар уларни мунофиқларни жумласидан,деб хисоблаганимизда хам улар мусулмонлардан хисобланади; мана буларни хаммаси хам узрдир. 73 фирқа хақидаги хадисда кўрганимиздек хамма фирқалар хам диндан четга чиқишмаган, чунки росулуллох саллаллоху алайхи васаллам уларни хаммасини ўзини уммати деб хисоблаганлар. Росулуллох саллаллоху алайхи васаллам бир кофирни ўзларини умматларидан деб хисоблашлари мумкинми?

Яна қайтадан эслатиб ўтаман, яна такрорлайман,буни юз марта бўлса хам айтилиши керак, бутун тарих давомида мўътазила ва хаворижга ўхшаш жуда кўп фирқалар мавжуд бўлган ва хозирги пайтда улар мавжуд,лекин харгиз солих ва раббоний уламолар томонидан такфир қилинган эмаслар. Хаворижлар мусулмонларни қонини халол қилиб мусулмонлар қабул қиладиган усулларни кўпини инкор қилишган, Али ибни Аби Толиб розиаллоху анхудек кишини такфир қилишган ,бўлиб хам бу киши собиқунал аввалундан эди,ухудда ва бадрда,бошқа ғазотларда иштирок

этгандилар, у киши ашара мубашшарадагиларни бири бўлиб байъатур ризвонда иштирок этганлар, мана бу қадрли сахоба хақида мана шунча ривоятлар мавжуд. Улар мана шундай кишини такфир қилишган. Шундай буюк инсонни такфир қилишган. Улар аллох ундан рози бўлган кишини такфир қилишган. Қуръон оятлари сабиқунал аввалун хақида таъкидлаб келган. Байъатур ризвонда қатнашган кишилардан аллох рози бўлган ва росулуллох саллаллоху алайхи васаллам хам уларни ахли жаннат кишиларидан деганлар, байъатур ризвонда мунофиқлар бўлишмаган, росулуллох саллаллоху алайхи васаллам мана бу дунёда бўлган пайтларидаёқ уларга жаннатни ваъдасини бергандилар, аммо хаворижлар у кишини такфир қилишади, бунга қўшимча равишда хаворижлар Али ибни Аби Толиб розиаллоху анху билан бирга бўлган минглаб сахобаларни хам такфир қилишади, аммо уларни қилган таъвиллари такфир қилинишларига монеълик қилди. Агарчи улар мана шунча буюк сахобаларни такфир қилишган бўлса хам ўзлари такфир қилинишмади, демак, сахобаларни хато таъвил билан такфир қилиниши хам, сен уларни такфир қилишингга боис бўла олмайди. Уларни ўзлари бу хатога дучор бўлишган ва уни тўловини хам тўлашлари лозим, сен нима учун уларни жиноятига ўзингни шерик қилишинг керак? Сен уларни такфир қилганингдан сўнг уларни қилган жиноятларига шерик бўласан.

Ибни Таймия рохимахуллох айтадики: "росулуллох саллаллоху алайхи васалламга эргашишни қасд қилган таъвилгар такфир қилинмайди,балки агар у ўзини қўлидан келганча харакат қилгач хатога дучор бўлган бўлса, уни хатто фосиқ хам демаймиз, мана бу одамларни наздида "амалий масалалар" борасида танилгандир. Аммо "ақидавий масалалар" борасида жуда кўп одамлар мана бу заминада хато қилган кишиларни кофир дейишган, аммо бу сўзлар сахобаларни хеч қайси бири ёки уларга яхшиликда эргашган кишилар ёки машхур мусулмон имомлар томонидан хам айтилмаган, балки аслида бу бидъат ахлини сўзидир."

Қаранглар ибни Таймия нима дейди: росулуллох саллалоху алайхи васалламга эргашишни қасд қилган таъвилгарни такфир қилинмайди. У ўзини қўлидан келган харакатини қилган ва хатога дучор бўлган, хатто уни фосиқ хам демаймиз, у кишини

айтишича: мана бу умум наздида танилган нарса, яъни амалий масалаларда умумий бир нарсадир. Яна айтадики: бир гурух кишилар борки, агар бир киши ақида бўйича таъвил ва хатога дучор бўладиган бўлса унга кофир дейишади. У киши айтадики: мана бундай сўз сахобаларни ва яхшилик билан эргашган сабиқунал аввалундан эшитилган эмас,балки бу сўз кимники? Мана бу сўз ахли бидъат бўлган кишиларни сўзидир.

У киши бошқа бир жойда айтадики: " мана шу равишда, бу айтган кимсани кофир дейилмайдиган сўзлардир, балким хақни танишга боис бўладиган хужжатлар сўзни айтган кишига етиб бормагандир, шояд унга етиб борган бўлса хам у учун исбот қилинмагандир, ёки уни фахмлашга қодир бўлмагандир, ёки унга шубхалар кўндаланг келгандир ва аллох шуни воситасида уни узрли қилган. Демак, мўъмин бўлган ва хақ талаб қилишда қўлидан келганча харакат қилган,аммо шунга қарамасдан хатога дучор бўлган кишининг хатосини худованд – хар нарса бўлишидан қатъий назар – кечиради. Бу назарий масалалардами ё амалий масалалардами фарқи йўқ, мана бу пайғамбаримиз саллаллоху алайхи васалламни асхобларини ва ислом аиммаларини жумхурини равиши бўлади."

Ибни Таймиянинг мана бу сўзлари ахли қибладан бўлган таъвил ахлига муомала қилишда хато йўлга тушиб олишган биродарлар учун нихоятда фойдали бўлиши мумкин. Махсусан ўзларини ибни Таймия рохимахуллохни шогирдларидан деб хисоблайдиган бузургвор кишиларга фойдалидир. Улар мана бу сўзларни бир неча бор қайтариб эшитишсин, улар ўзларига устоз деб билишган кишининг, мана бу борада ахли қибланинг таъвил қилувчилари хақида, нима деганликларини яхшилаб тушуниб олиш учун ўзлари бир неча марта такрорлашсин.

Албатта, ибни Таймия рохимахуллохни ўзи хам "ақида ва тавхид" борасида "Бакрий" билан бир неча марта мунозара қилган, Бакрий таъвил қилган эди,мана шу таъвиллар ибни Таймия рохимахуллох тарафидан такфир қилинишига монеълик қилган эди. Ибни Таймия "Бакрий" билан бирга тавхид масаласи бўйича мунозара қилган пайтида (эътибор беринглар тавхид масаласи бўйича мунозара қилган) Бакрий ўзини эътиқодлари учун оят ва хадислардан фойдаланган ва таъвилотларни келтиради, ибни

Таймия рохимахуллохни назари бўйича мана шу таъвилотлар Бакрийни такфир бўлишига монеълик қилади! Қимматли дўстлар, биродарларим, агар яхшилаб эътибор берсангизлар, хозирда бизларни биродарларимиз томонидан такфир бўлаётган кишилар оятларга, хадисларга ва тарихий ривоятларга истинод қилишади ва уларни аллохга ва росулуллох саллаллоху алайхи васалламга итоат қилишдан бошқа мақсадлари хам йўқ. Мана бу аксар гурухлардаги холат, албатта орада мустасно холатлар хам мавжуд,аммо хукм истисно асосида содир қилинмайди.

Мана бу, ақидавий ва равторий мусулмон беморларни аксари тушиб қолган йўлдир. Мусулмонларни орасидаги ақидавий ва равторий беморлар мана шу нарсалар борасида мана шу йўлга тушиб қолганлар, улар аллохга итоат қилишни қасд қилишган, аммо ижтиход ва таъвилда хатога дучор бўлишган, ундан хам баттарроғи хозирги пайтда қози ва маржаъ сифатида улил амр шўросига хам эга эмасмиз, худди росулуллох саллаллоху алайхи васалламни асрларида ва хулафойи рошидинни асрида осонлик билан мурожаъат қилинадиган ва масалани минтақа ё жахон миқёсида охирига етказадиган шўролар,қозилар мавжуд эмас, бизлар фақат ўзимизни қишлоғимиз ёки шахримиз ё гурухимиз ёки ўзимизни атрофимиздагилар бўйича бир иш қила оламиз холос. Шу сабабли хам шубхага ё таъвилга кўра узр хамиша мавжуд бўлган, хозирги вазиятда хам исломий хукуматга тегишли бўлган улил амр шўросини канали орқали мана бу холатни йўқотилади.

Аммо шунга қарамасдан, қуйидаги нуқтага хам ишора қилиниши ва айтилиши лозим бўлади: таъвилга узр келтиришни маъноси, шахс масалан ла илаха иллаллохни,жаннатни,жаханнамни ёки барча ахли қибла учун маълум бўлган шариат фарзларини бирортасини инкор қила олади,дегани эмас. Хеч ким бундай нарсаларни инкор қила олмайди. Масалан бугунги кунда кофир секулярлар қилаётган ишлар ёки худосизлар қилаётган нарсалар яъни олдин уларга занодиқа дейиларди, ёки ғуллот қилаётган нарсалар,ижроий қонунларга ва шариатдаги ошкор нарсаларга қаршилик қилинган тақдирда хам таъвил қилувчи шахсни устида "хад"ни ижро қилинмайди,деган маънода эмас, йўқ бундай бўлмайди; балки мана бундай шахс хам худди бошқа мусулмонлар сингари истисно қилинмайди. Шунингдек Қуддома ибни Мазъун розиаллоху анху хам

шароб ичган пайтида уни устида хад ижро қилинди, шунингдек мана бундай фикрдаги таъвил қилувчи кишиларни танқид қилинмайди,деган маънода эмас, йўқ ундай эмас. Балки мана бу шаръий таъвиллар шахсни иймонига зарба урилишига рухсат бермайди ва шахсни устида такфир хукми содир бўлишига монеълик қилади ,деган маънодадир. Таъвил қилувчи шахсни ё мужтахидга тақлид қилган муқаллидни устида такфир хукми содир бўлишини олдини олади.

Хар қандай суратда хам, барча мусулмонлар ғайри таъвил бўлишни,такфирни шартларидан деб билади, агар кимки шаръий манбаъларда шаръий таъвилга эга бўлса, мана шу таъвил уни такфир қилинишига монеълик қилади. Хўп, хозир сиз ўзингизни атрофингизга бир эътибор беринглар,сизлар қилган ишлар сабабли сиз уларни кофир деб санаган исломий фирқалардан бўлган кишиларни сўзлари ё қилган ишлари оятлардан,хадислардан, тарихий ривоятлардан қилинган таъвил эмасми? Улар аллохга итоат қилиш учун мана бу сўзларни айтишяптими ва мана бу ишларни қилишяптими ё аллохга душманчилик қилиш учунми? Агар хатто шубха қилсангизлар, мана бу шубхани ўзи хам уларни такфир қилинишига монеълик қилади. Чунки улар исломга ишонч билан кириб келишган ва шак,шубха билан ундан чиқишмайди.

Энди, таъвил қилувчи шахс ё мазхаб хақидаги ахли қиблани қоидаларини барчасини кўрмасликка оладиган кимсалар, шубхасиз ё ахли қиблани бир гурухини бошқа бир гурухига қарши қилишни истаётган мунофиқ ва секулярзадаларга ўхшаш доно душмандир ёки мухолиф фирқани қаршисида ўзини фирқасини химоясига мухтож бўлган жохил дўстларимиздир, улардаги мана бу эхтиёж бундай хатоларга дучор бўлишларига ва мухолиф гурухни такфир қилишларига сабаб бўлган.

Хар икки холатда хам улар ғайри шаръий йўлда харакат қилаётган хисобланади ва уларни хар иккови ахли қиблани вахдатини,қудратини нишонга олишган ва мусулмонларни заифлаштириш ва ахли қиблани орасидаги тафарруқ ёриқларини чуқурлаштириш бўйича харакат қилишяпти ва уларни хар иккови ўзлари истаган ё истамаган холда ахли қиблага вахдатни,қудратни,хайбатни қайтишига монеълик қилишяпти,

улар хатто буюк кишиларнинг исломий хукуматни ташкил қилиш бўйича қилаётган жиходларини бехосил бўлишига хам сабаб бўлишяпти.

Шубха ё таъвилга нисбатан келтирилган бу узрлар хамиша хужжат иқома қилингунгача мавжуд бўлади, бир мужтахидни қилган ижтиходи хам бошқа бир мужтахид учун мухолиф мужтахидни устида хужжатни иқома қилиниши учун ишламайди, дўстлар эътибор бердингларми, бир мужтахидни ижтиходи хам бошқа бир мужтахид учун мухолиф мужтахидни устида хужжатни иқома қилиш ўрнида ишлатилмайди; фақатгина вохид ижмоъ сифатида ироя берилган шўрони умумий ижтиходи, мана бу ўринларни барчасида хамма учун хужжатни иқома қилишга қодир. Демак, бир донишмандни бошқа бир донишмандга қилган ижтиходи эмас, вохид умматдан келиб чиққан вохид ижмоъ, барча мужтахидларга ва ислом донишмандларига хужжатни иқома қила олади.

Мана бу холатда, мана бундай ижмоъни қўлга киритилгунча, шубха ва таъвилга нисбатан узр келтириш хамиша мавжуд бўлади ва фақатгина исломий хукуматга боғланган улил амр шўросини канали орқали йўқотилади. Демак, агар мана бу таъвилотлардан қутулишни истасанг, улил амр шўросини ташкил қилиш ва вахдатни,хукумат қудратини қўлга киритиш сари харакат қил. Агар мана бундай хукуматни исломий мазхабларни бирини асосига кўра қўлга киритган бўлсак, уни қувватлантириш учун барча мусулмонларни шунга сари харакат қилишга даъват қилайлик ва хамма бирга ўзаро сухбатлашайлик, хамма ўзи турган сатхда шўрони ташкил қилади ва мана шу шўрога эргашади ва барча таъвилотларни ўзаро сухбатга даъват қиламиз ва барча таъвилотларни шўрога олиб чиқамиз ва уларни хаммасини мана бу вохид шўрони назорати остида ислох қиламиз. Мана бу яхши чора бўла олади.

У пайтгача шубха ва таъвилга узр келтиришни умри узунроқ бўлади, чунки хужжат таъвил қилаётган шахсга кечроқ етиб боради, хужжатни хақиқий етказувчиси хам хозирча мавжуд эмас, гохида эса жуда кўп ўринларда сизларни ўзингиз хам уларга ўхшаш

таъвил ахли бўласизлар, улар сизни таъвилингизни қабул қилишмайди ва сиз хам уларни таъвилини қабул қилмайсиз, ўртада ўзини вохид ижмоъси билан ихтилофларга хотима ясайдиган қози бўладиган шўро хам мавжуд эмас. Бу ерда сени ўзинг хам шикоятчи ва хам қози ва қарама-қарши томон хам шикоятчи ва хам қози бўла олмайди ва сен унга қарши ва у хам сенга қарши хукм содир қилишни имкони йўқ.

Мана бу холатда худди бошқа заруратларга ўхшаш унга муносабат билдириш, юракни кенгроқ қилиш, сабр-тоқатли бўлиш лозим бўлади ва бизларга ўтган асрлардаги аждодларимиздан етиб келган одобларга пойбанд бўлишимиз керак. Шу жумладан: ўзимизга мухолиф бўлганларга хурмат билан ва инсоф билан муносабатда бўлайлик,(мана бу нарса хозирги пайтда жуда кам топилади), қуйидаги асл қоидани химоя қилайлик,

«أَخَوَيْكُمْ بَيْنَ فَأَصْلِحُوا إِخْوَةٌ الْمُؤْمِنُونَ إِنَّمَا»

ва ахли қибла билан душманчилик қилишдан,кина сақлашдан пархез қилайлик. Вахдатни хифз қилиш бўйича шариатдаги биринчи даражали ишларни йўлга қўйиш ва турли-хил диёрларда дорул исломни ташкил қилиш сари қилинаётган харакатни тезлаштириш ва мусулмонлар яшайдиган диёрларда исломий вохид шўрони ташкил бўлишини тезлаштириш ва ахли фан мана бу борада баён қилган бошқа ўринлар бўйича харакат қилишимиз керак.

Мана бу ўринларни албатта риоя қилишимиз керак,булар бизлар зарурат хукми сифатида ахамият беришимиз лозим бўлган абзорлар хисобланади. Биринчи даражали ишларимиз қайсилар эканини кўриб чиқишимиз керак. Душманчилик қилиш,кина сақлашдан пархез қилишимиз лозим, инсофли бўлишимиз керак, яна қайтариб айтаман инсофли бўлишимиз керак, мана бу нарса хозирда нихоятда камайиб кетган. Шунинг учун хам биринчи даражали нарсаларни айтиб ўтмоқчиман. Ўзингиз бир эътибор беринглар, ибни Таймия мусулмонларга манфаъатли бўлган ишларни қандай баён қилади.

Ибни Таймия рохимахуллох жуда кўп мустахаботларни тарк қилиш дўстликка боис бўлади,деб биларди, у киши айтадики: " динда дўстликка эришиш йўлидаги манфаъатлар, жуда кўп

ишлардан кўра буюкроқдир; худди росулуллох саллаллоху алайхи васаллам каъбани биносини ўзгартиришни ташлаб қўйганларига ўхшайди, чунки уни ўз холича қолиши дилларни яқинроқ бўлишига боис бўлган эди." Ибни Масъуд розиаллоху анху Усмон розиаллоху анхунинг сафарда намозни комил ўқишини айблади, аммо ўзи уни орқасида намоз ўқиди ва айтдики: тортишишлик яхши нарса эмас.

Хўп, мени фикримча такфирга монеъ бўлиб келадиган таъвил хақида етарли миқдорда сухбатлашдик. Хар қандай холатда, мана бу тўрт мархала иртидод жиноятини исбот қилиш, жиноятни қуръон ва сахих суннат томонидан тасдиқланиши,такфирни шартлари ва такфирни монеъликлари шахс иртидод жинояти билан муттахам бўлган мусулмон борасида босиб ўтиши керак бўлган ва ишончи комил бўлиши хамда озгина бўлса хам шубха қилмаслиги лозим бўлган мархалалар хисобланади,шунингдек агар айтиб ўтилган ўринларни бирортасида комил ишончга эга бўлмайдиган бўлса, мусулмонни бароат қилишга хукм содир қилиши керак. Бизларни бузургворларимизни сўзига биноан, агар мусулмон шахсни кофир эканлиги бўйича 99 фоиз кучли далил мавжуд бўлса ва танхо биргина шубхали бўлган заиф далилга эга бўлинса ,ахли қиблани мана шу шубха билан нажот бериш керак. Мана бу босиб ўтилиши лозим бўлган йўлдир, агар мусулмон киши ўзини қиёматини яхши кўрса мана бу йўлни албатта босиб ўтиши керак.

Тўртта аслий филтердан ўтказилган кишини устида хукмни содир қилиш мархаласи:

Бу ерда тўрт мархаладан яъни жиноятни исбот қилиш, жиноятни қуръон ва сахих суннат томонидан тасдиқланиши, такфирни шартлари ва такфирни монеъликларидан ўтказилган жойга етиб келдик. Аввало куфр ва кофир хақида гапирганимиз яхши:

Куфр араб тилида бир нарсани беркитиш маъносида келади. Шу сабабли хам дехқонга хам кофир дейилади, нима учун? Чунки у уруғни тупроқ билан беркитади:

«نَبَاتُهُ الْكُفَّارَ أَعْجَبَ غَيْثٍ كَمَثَلِ» (حديد/20)،

(У) худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг (ёғиши сабабли униб чиққан) ўт-ўлани кофирларни хайратга солиб (ақлларини банд қилиб қўюр).

Дехқон нимани устини беркитиб қўйганини яхши билиши, мушаххасдир. У тошни ё шишани эмас, балки уруғни беркитиб қўйганини билади. Шунингдек у қандай уруғни беркитиб қўйганини хам билади ва у ойлаб балки йиллаб давомида бошқа нарса эмас, балки мана бу уруғни самарасини кутади. Демак, у нимани беркитиб қўйганини яхши билади.

Шунга қиёс қилиниб аллохни неъматларидан бир нарсани ёки аллохни шариатидаги қонунлардан бир нарсани огох холида беркитиб қўйган ва уни оқибатини хам кутиб юрган кишига кофир дейилади. Албатта мана бу кофирларни адади жуда кам бўлиши мумкин (ана ўша биз олдин сухбат қилган ва изох бериб ўтган кофирлар)

وَعَلَى سَمْعِهِمْ وَعَلَى قُلُوبِهِمْ عَلَى اللهُ خَتَمَ يُؤْمِنُونَ لاَ تُنذِرْهُمْ لَمْ أَمْ أَأَنذَرْتَهُمْ عَلَيْهِمْ سَوَاءٌ كَفَرُواْ الَّذِينَ إِنَّ غِشَاوَةٌ أَبْصَارِهِمْ

Мана буларни адади жуда кам бўлиши мумкин, улар мутлақо иймон келтирмайдиган кишилардир. Аммо мана бу шахслар катта бир жамиятни ўзларини ақидалари билан етиштирган бўлишлари мумкин, яъни уларни куфрларига тақлид қилишган ва бошқача истелох билан айтганда жохилларни орасида ўзлари учун нусха олган бўлишлари мумкин. Мана бу холатда, нусха олинган жамиятни хаммасини дунёда кофирларни жумласидан хисобланади. Албатта мана бу жамиятни жуда кўпчилиги фақат муқаллид кофирлардан ташкил топган ва улар аслий кофирлардан нусха олган бўлишлари мумкин, шунга қарамасдан кофирларни жамиятидаги жохил ва олим кишиларни ўртасида фарқ мавжуд эмас ва уларни хаммаси бир хукмга шомил бўлади. Худди яхудият, насроният, мушриклар, мажуслар ё собеинлар жамиятига ўхшайди.

Аммо мусулмонларни орасида ўзларини мусулмонларнинг нусхасига ўхшатмоқчи бўлаётган ва мусулмонларга ўхшашни

истайдиган ва мусулмонларни қилиқларини қиладиган яширин кофирлар мавжуд бўлиб, мана буларга мунофиқлар ё бугунги тил билан айтганда секулярзадалар дейилади. Мана бу холатда, улар ўзларини мусулмонларга ўхшатганликлари боис мусулмонлар жумласидан хисобланишади. Энди мана булар шароит вужудга келганлиги сабабли ўзларини вазиятларини ўзгартириши мумкин, яъни улар ўзларини мусулмонларга ўхшатишларини ўрнига ўзларини аслий кўринишларини очиб кўрсатишлари,ошкор қилишлари мумкин,энди улар мусулмонларни қилиқларини қилишмайди. Бундан ташқари баъзи бир мусулмонлар сўзларида ё амалларида ана бу кишиларнинг нусхаси бўлишлари ва пинхон кофирларни адосини чиқаришлари ёки ошкор кофирларни адосини чиқаришлари мумкин ва мусулмонлар билан бирга келган йўлларидан ортга қайтиб кетишга қарор қилишлари мумкин, мана бу ортга қайтишни иртидод дейилади.

Ўтган сатрларда айтиб ўтилганидек куфр ва кофирликни иллати эътиқодий куфр бўлиши хам мумкин (бу қалбга оид иш бўлиб бизларни ундан хабаримиз йўқ ва бу шахсни ўзига боғлиқ) ёки сўз ёки куфр амали бўлади ва бу билан аллохни шариатидаги барча ёки бир қонунни ва аллохни неъматларини беркитилади.

Энди, агар бир мусулмон киши мана бу мусибат ва жиноятга дучор бўлган бўлса, уни тўрттталик мархалани яъни иртидод жиноятини исбот қилиш, мана бу жиноятни қуръон ва сахих суннат томонидан тақдиқланиши, такфирни шартлари ва такфирни монеъликларидан хукмни содир қила оладиган даражада шахс комил ишончга етгунича аниқ ва битта-битта ижро қилиниши керак, шахс исломдан шак,шубха,гумон билан эмас, балки ишонч билан чиқиши лозим.

Бу ерда шу нарсага диққат қилиниши лозимки, шахсни мана бу филтерларни барчасидан ўтказишлик ва мураккаб, мутахассисликка эхтиёж бўлган бу мархалаларни босиб ўтиши, ўзини сафини мусулмонларни орасидан жудо қилмаган ахли қибладан бўлган биродарлар ва опа-сингиллар учундир, кўриб турганимиздек ўзига хос мутахассисликка эхтиёж бор, хар қандай киши мана бу бўлимда раъй беришга ва хукм содир қилишга қодир эмас. Аммо шахс ўзини сафини мусулмонларни сафидан жудо

қилгандан сўнг, мана бу шахс кофир ва муртадлар жумласидан хисобланади ва бу холатда мана бу мархалаларни хеч қайси бирини босиб ўтишликка эхтиёж қолмайди, ва хар қандай мусулмон мана бу шахсни устида уни иртидод ва куфр хукмини содир қилишга қодир бўлади. Чунки кофир ва муртадни хеч қандай узри бўлмайди ва мана бу узрларни, филтерларни барчаси мусулмонлар учун.Ошкор кофирларни такфир қилиш бўлими бўйича олимни ё олим бўлмаган кишини фарқи йўқ, унда мутахассисликка хам эхтиёж бўлмайди, аллох таоло буни ташхис бериш қудратини, илмини хамма мусулмонларга берган.

Демак, мана шу ерни ўзида мана бу мухим нуқтани ёдингизда сақлаб қолингларки, такфир қилиш хам иккита комилан бир-биридан фарқли бўлимга тақсим бўлади:

1-Такфирни аввалги нави содда ва умумий такфир бўлиб ўзига хос мутахассисликка эхтиёж йўқ. Худдиинки хозир кечаси ё кундузи деганингга ўхшайди. Ёки мана бу яхудийми ё мусулмонми ё кофирми деганингга ўхшайди? Ёки Абу жахл ва абу лахаб мусулмон бўлганми ё кофирми? Мана бунга ўхшаган ўринларни мутахассисликка эхтиёжи йўқ. Шу сабабли хам росулуллох саллаллоху алайхи васаллам очиқ-ойдин айтадиларки:

«الله الا اله لا قولوا».

Ла илаха яъни мана бунга ўхшаш содда ва умумий бўлиб мутахассисликка эхтиёж йўқ.

2-Иккинчи навли такфир мураккаб бўлиб махсус қозиларга ва ўзига хос уламоларга эхтиёж бор ва алохида мутахассисларга ниёз пайдо бўлади, хар қандай киши бу борада назар бера олмайди. Ўтган бир неча бор ўтказилган мажлисларимизда мана бу навли такфирга, уни мутахассислигига, мархалаларига ишора қилиб ўтганмиз.

Мана бу шартлар ва тўрттталик филтерлар, ўзига хос имтиёзлар фақат мусулмонларга тегишли. Энди шахс "огох холида" аллохни шариатидаги қонунларга орқа қиладиган ва ошкор кофирларни бирига эргашадиган бўлса; шариатдаги мусулмонлар учун назарда тутилган мусулмонларни бошқа имтиёзларидан хам, шахс ўзини

махрум қилади. Чунки мана бу тўрттталик иттиёзлар ошкор муртадлар ва кофирларга эмас, балки фақат мусулмонларга тегишлидир.

